Бутун дунё пролетарлари, бирлашинглиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. 14 (7755). ● 21 январь, 1982 йил ✦ ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

СССР нинг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта!

● ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати 1-филиалининг тўқув фабрикасида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига мусобақа тобора авж олянти. Бу меҳнат беллашувида фаол иштирок этаётган илғор тўқувчилар Шоҳида Алимова (чапда) ва Моҳира Иброҳимовалар норманы ошириб адо этишмоқда.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТЎХТАТМАЙ

ТОШКЕНТДАГИ «Компрессор» заводида қурилган бош ишлаб чиқариш корпуси ишга туширилди. Корхонанинг реконструкция қилинганлиги, саҳни ўн икки минг квадрат метрдан кўп бўлган янги цехларнинг ишга туширилиши машинасозларга СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига қўшимча 1340 та компрессор тайёрлаш имконини беради.

Завод партия ташкилоти корхонани реконструкция қилишни жадаллаштиришда актив ёрдам берди. Завод партия комитетининг вакиллари шаҳар ва район партия комитетларининг раҳбарлари билан бирга штабнинг янги бош ишлаб чиқариш корпусини қуриш ишида иштирок этишди. Уларнинг таклифи объектни битказиш муддатини қисқартиришга имкон берди.

Ишга тушириш арафасида корхона дирекцияси ва партия ташкилоти ёрдамчи цехлардан бир группа ишчиларни қурувчиларга кўмак бериш учун юборди. Завод мутахассислари «Муддатидан илгари қуриб битказамиз — муддатидан илгари ўзлаштирамиз!» шиори остидаги мусобақага қўшилиб сантехника ва электр симларини графикда кўзда тутилганидан икки баравар тезроқ монтаж қилдилар, ўнлаб янги технологик асбоб-ускуналарни ўрнатдилар.

Машиналарни узлуксиз ишлаш учун деталлар запасини таъминлаш мақсадида коммунистларнинг ташаббуси билан завод цехларида бир қанча участкалар ишнинг уч сменали графигига ўтказилди.

Заводни реконструкция қилиш давом этмоқда. Корхонани техника билан қайта таъминлаш шу беш йилликда маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш имконини беради.

МУРАББИЙГА ТЕНГЛАШИБ

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси Шоира Тошматова 1983 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Шоира ўз иши биографиясини бир неча йил мукаддам бошлаб, доктор тўқувчи Буолма Жўраева раҳбарлигида жадал ип йигиришни ўрганди.

— Буолма Жўраева,— деди Шоира,— биз, ёш тўқимачиларга машина-ускуналарни ва ишнинг жадал усулларини ўзлаштиришга кўмаклашибгина қолмади, у бизни чинакам тўқимачилар бўлишга ҳам ўргатди, ишга муҳаббат уйғотди. Шу боисдан ҳар бир ишда унга тенглашиш, у сингари зўр ғайрат билан ишлаш иштиёқи пайдо бўлди.

Шоира ўз мураббиясига ўхшашга интилади. У аввало сўз бердими, устидан чиқишга ҳаракат қилади. Шоира Буолма Жўраевадан тиғиз график асосида ишлашни ўрганиб, смена топшириғини ҳар куни икки баравар адо этмоқда. Эндиликда эса ёш тўқувчи Буолмадан ўрганиб олган иш сирлари ва билимларни ўз ўртоқлари билан баҳам кўрмоқда.

(ЎзТАГ).

ҲАМИША БАРҲАЁТ

ЛЕНИН яшаган ва ишлаган замон тарихан узоқлашиб борган сари илмий тафаккур даҳоси, оташин революционер, Коммунистик партия ва дунёда биринчи социалистик давлат асосчиси, жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси ўзининг бутун улуғворлиги, буюклиги билан инсоният олдида янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда.

Давримизнинг — капитализмдан социализмга ва коммунизмга ўтиш даврининг барча зафарлари В. И. Ленин номи билан чамбарчас боғлангандир. Мамлакатимизда ривожланган социализм жамиятининг барпо этилганлиги ленинизм ғоявий-назарий меросини, КПСС ва Совет Иттифоқи халқларининг ленинчи сиёсатини амалга оширишдаги ва ривожлантиришдаги ютуқлари ва камчиликлари, ютуқлари ва ноқисликлари ленинизм чинакам тантанаси бўлди. Қардош социалистик давлатларнинг халқлари Ленин ғояларига ва ишларига ҳаёт бунёд этмоқдалар, социалистик ҳамдўстлик кундан-кун мустаҳкамланиб бормоқда.

Ленинизм социал адолат ва миллий мустақиллик учун, империализм, мустамлакачилик ва иркчиликка қарши, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашувчи миллион-миллион кишиларни илҳомлантирмоқда.

Бизнинг улуғ Ватанимиз бутун тарихи Ленининг номи ва таълимоти билан боғлангандир. «Ленин дастлабки беш йилликлар мавж урган пайтда биз билан бирга бўлди. Ленин Улуғ Ватан уруши жангларида биз билан бирга бўлди. Совет Иттифоқи халқлари янги тарихий марраларга чиқиб, коммунизм қуриш вазифаларини амалий равишда ҳал этаётган ҳозирги пайтда ҳам Ленин биз билан биргадир», — Ленин тўғрисида ўртоқ Л. И. Брежнев шундай деган эди.

КПССнинг, партия Марказий Комитетининг, замонамизнинг атоқли арбоби ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг бутун фаолияти доҳий ғоялари ва васиятларига содиқлик билан суғорилгандир. Партиямизнинг тарихий XXVI съезди ва у қабул қилган қарорлар Ленин васиятларига амал қилишнинг яққол намунаси бўлди. Съезд ленинизмнинг конкрет ишлардаги ва совет халқи режаларидаги тантанасини очиқ равшан кўрсатди. Унинг коммунистик қурилиш назарияси ва практикаси масалалари, сиёсий системани такомиллаштириш, экономика ва маданиятни ривожлантириш масалалари юзасидан берган йўл-йўриқлари, жаҳон революцион жараёнига ва ташқи сиёсатга оид фикр ва хулосалари — ҳамма-ҳаммаси Ленин таълимоти билан чамбарчас боғланган, доҳийнинг революцион руҳини ўзида мужассамлаштириб туради. Шу боисдан ҳам биз «Ленин ҳамиша биз билан» деб айтамиз.

Ўзбекистонинг ва пойтахт областимизнинг экономикаси ва маданиятнинг барқ уриб ўсганлиги революция доҳийсининг васиятлари тантана қилганлигини, Ленин чизиб берган режалар амалга ошганлигини яққол кўрсатувчи намунадир. Жонажон диёримиз Совет ҳокимияти йилларида Октябрь революцияси, Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати туфайли, улуғ рус халқининг, мамлакатимиздаги барча халқларнинг бегараз ёрдами туфайли эндиликда қудратли индустрияга эга бўлиб, ғоят ривожланган қишлоқ хўжалигига, фан ва маданияти юксалган, гуллаб-яшнаган социалистик республикага айланди.

Республика ва область меҳнаткашлари партия белгилаб берган вазифаларни шараф билан бажармоқдалар. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили план ва топшириқлари ҳамма соҳалар бўйича муваффақиятли уддаланди. Область саноат маҳсулотларини реализация қилиш ва кўпчилик муҳим буюм турларини ишлаб чиқариш бўйича йиллик планни муддатидан илгари бажариб, қўшимча 107 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилди. Ишлаб чиқариш ҳажми бир йилда 5,3 процент ортди. Саноат ва қурилишда меҳнат қилаётган 3 мингдан ортиқ киши фидокорлик кўрсатиб, 1981 йилда икки йиллик топшириқни бажарди. Қишлоқ меҳнатчилари ҳамма соҳалар бўйича зиммаларидаги вазифаларни муваффақиятли бажарганликлари муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежневдан табриконма олдилар. Ҳозир эса ўтган йилги эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, СССРнинг 60 йиллик катта тўйини янги меҳнат зафарлари билан нишонлашга интилмоқдалар.

Ленин бизга бениҳоя бой мерос қолдирди. Бу мерос — бизнинг давлатимиз, жонажон Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидир. Мана олтмиш йилдирки, ҳур республикалар иттифоқи мустаҳкамланиб, камол топиб, халқларнинг ягона, тотув оиласини ташкил этиб турибди.

Ленин тузган ва тарбиялаган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси жамиятимизга етакчилик ва раҳнамолик қилмоқда. Партия аъзоларининг сафи, ўзини ленинчилар деб билган жанговар курашчиларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозир бизда салкам 18 миллион шонли Ленин партиясининг аъзолари бор.

Ленин партиясига мансублик — ҳам юксак шараф, ҳам юксак масъулиятдир. Ижодий жўшқинлик, сўз билан ишнинг бирлиги, ташаббус учун кенг имконият ва қабул қилинган қарорларни амалга ошириш чоғида сўзсиз интизом, талабчанлик ва айни вақтда ишонч ҳамда меҳрибонлик — Ленин бутун партияга, ҳар бир коммунистга мана шуларни васият қилган эди. Бизнинг партиямиз, унинг Марказий Комитети бундай ленинча анъаналарни муқаддас билиб асрамоқда. Одамларни эҳтиёт қилиш, ҳар қандай адолатсизликка нисбатан муросасиз бўлиш, ишчанлик ва дадил изланишлар партия ташкилотларида асосий иш услуби бўлиб қолди. Бу услуб аввало Ленин мактабидан сабоқ олган коммунист Л. И. Брежневнинг фаолияти билан боғлиқдир.

Партиямиз бошқариш ва сиёсат юритиш санъатини Лениндан ўрганмоқда. Бу санъат доҳий таълим берганидек, асосий кучларингни ва эътиборингни қаерга қаратиш кераклигини ўз вақтида ҳисобга олиш ва билишдан иборатдир. Ҳозирги кунда партия совет халқининг асосий куч ва эътиборини ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қаратишга чақирмоқда. Биз камроқ чиқим қилиб, энг кўп натижаларга эришишга интиляпмиз. КПСС XXVI съезди ўртага ташлаган «Экономика тежамли бўлиши лозим» деган шиорни амалга ошириш учун курашмоқдамиз.

Областимиз партия ташкилотлари коммунистлар, барча меҳнаткашлар диққат-эътиборини Ленин меросини кенг оммалаштириш ва чуқур ўрганишга доимо қаратиб келмоқдалар. Доҳий асарларини ўрганиш чиндан ҳам аҳоли кенг қатламларининг муҳим маънавий эҳтиёжига айланиб қолди. Областимиз сиёсий маориф системасида ҳозирги вақтда 200 мингдан ортиқ киши партия ўқувининг турли формаларига қамраб олинган. Улар машғулотларда Ленин ғоявий-назарий меросини, КПСС XXVI съезди материалларини коллектив ҳаёти билан, кундалик вазифалар билан чамбарчас боғлаб ўрганмоқдалар.

Инсониятнинг ҳозири ва келажагини Ленинсиз ва ленинизмсиз тасаввур қилиб бўлмайди, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев. Ленин ғояларининг нури бутун инсониятга олиб бориш йўлини — янги ғалабалар, янги тарихий зафарлар йўлини ёритиб турибди.

МЕҲНАТ ҚУВОНЧГА АЙЛАНГАНДА

«ТОШКЕНТ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилар комиссияси Надежда Михайловна Павлюк бошлиқ бригаданинг ишлаб чиқариш маданиятини аъло баҳолади.

— Иш жойинг саранжомсаришта бўлса, меҳнатинг ҳам қувонча айланади,— дейди бригадир.— Зарур асбоб-ускуналар ва материаллар ҳамиша тахт турса, иш вақтидан самарали фойдаланиш мумкин. Натижада меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати ошади.

Надежда Павлюк бригадаси корхона ишлаб чиқараётган ётоқхона гарнитури комплектига кирадиган трельяжлар тайёрлаб беради. Пардозловчилар барча маҳсулотнинг 95 процентини биринчи тақдим этишдаёқ топширимоқдалар. Н. Павлюк бригадаси аъло сифат билан ишлаганлиги, юксак ишлаб чиқариш маданияти туфайли бирлашма коллективлари орасида социалистик мусобақа пешқадами бўлиб қолди.

(ЎзТАГ).

МЕТОДИК КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги ташкилий-партиявий ишлар методик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Бир қанча область, шаҳар ва район партия комитетларининг бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш соҳасидаги иш тажрибасига оид масала кўриб чиқилди.

Методик кенгаш аъзолари Тошкент шаҳар партия комитети иккинчи секретари К. П. Дудининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида партия ички ахборотининг қўйилиши тўғрисида»ги ахборотини тинглидилар.

Методик кенгашнинг 1982 йилги иш плани тасдиқланди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

ЎТГАН душанба куни янгича урф-одатлар ва маросимларни тарғиб қилиш ҳамда меҳнаткашлар турмушига сингдириш область комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда комиссия раиси — Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Б. Нўлдошева мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва Тошкент область партия комитетининг қабул қилган қарорлари билан йиғилганларни таништирди.

Йиғилишда комиссиянинг 1982 йилги иш плани тасдиқланди, комиссия аъзоларининг вазифалари белгилаб олинди.

ЗАФАРЛАРИМИЗ – СССР ЮБИЛЕЙИГА

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИНИНГ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумидаги нутқида берган кўрсатмаларига амал қилиб, СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақани ажн олдириб юбордилар ва ўз зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар:

Умуман ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган йиллик план муддатидан илгари бажарилади, пландан ташқари 2,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формасини такомиллаштириш, бригада пудратини жорий этиш, ишчиларнинг малакасини ошириш, иш вақтидан янада оқилона фойдаланиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги тошириққа қўшимча равишда 0,1 процент ўсиши таъминланади. Камида 200 минг сўм пландан ташқари фойда олинади.

Олтинтоғдан руда конида ўзнюрар юк ортиш-тушириш машиналаридан ва Қалмоққир руда конида бирламчи қуввати катта бўлган кон транспорти машина-ускуналаридан фойдаланиб, руда қазиб олишни такомиллаштириш, янги серунум «ФПМ-12,5» флотация машиналари негизида мис руда-ларини бойитиш технологиясини жорий қилиш, рух кекларини қайта ишлашнинг юқори ҳароратли гидрометаллургия технологиясини ўзлаштириш ҳамда кислород-факел усулида эритиш комплексида мис концентратларини эритишнинг автоген жараёнини янада такомиллаштириш соҳасидаги ишлар давом эттирилади. Янги техника ва технологияга оид тадбирларни жорий қилиш йўли билан 2,5 миллион сўм иқтисодий самара олинади.

Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий этиш ҳисобига камида 2,1 миллион сўм шартли йиллик иқтисодий самара олинади. Қўлги-энергетика ресурслари сарфини камайтириш топшириқлари ошириб бажарилади ва 9 миллион киловатт соат электр энергия, 4 минг гигакалорий иссиқлик, 2 минг тонна шартли ёқилғи тежаб қолинади.

4930 ишчининг малакаси оширилади ва уларга иккинчи касблар ўргатилади. Комбинатнинг камида 4500 ходими иқтисодий ўқишга жалб этилади. Социал-иқтисодий ривожланиш планига мувофиқ 34 минг квадрат метр уй-жой, 420 ўринли боғча-ясли ишга туширилади.

Ердамчи хўжаликдан комбинат меҳнаткашларига 255 тонна гўшт, 200 тонна сут, 185 мингта тухум, 1950 тонна сабзавот, 720 тонна мева, 390 тонна узум реализация қилинади.

М. И. Калинин номли «Гулистон», «Ўзбекистон 50 йиллиги» колхозларига ва «Оққўрғон» совхозига оталиқ ёрдами бериш давом эттирилади.

Биз республика рангли металлургия ходимларини 1982 йил плани ва социалистик мажбуриятларини ҳамда умуман ўн биринчи беш йилликни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришга, Совет Социалистик Республикалари иттифоқининг 60 йиллигини зарбдор меҳнат билан нишонлашга чақирамиз.

Социалистик мажбуриятлар комбинат меҳнат коллективларининг йиғилишларида муҳокама қилинди, қабул этилди.

●

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ 1982 ЙИЛ ВА УМУМАН ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛГАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз меҳнаткашлари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг қарорларига амал қилиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ мусобақасига қўшилиб, 1982 йил ва умуман ўн биринчи беш йилликнинг ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар.

1982 йилда эртанги мўл пахта ҳосили етиштириш технологиясини янада такомиллаштириш, деҳқончилик маданиятини ошириш, фан ютуқлари ва илғор тажрибани жорий этиш асосида гектар бошига 40 центнердан пахта олиш ва унинг ялпи ҳосилини 4600 тоннага етказиш — пландан 1230 тонна ёки 36 процент ошириш, ўн биринчи беш йиллик планини тўрт йилда бажариш, беш йил мобайнида 23,6 минг тонна, яъни пландан 6,6 минг тонна кўп пахта сотиш кўзда тутилмоқда. Жами ўсиш пахта ҳосилдорлигини ошириш йўли билан олинади. Ҳосилдорлик 1985 йилда гектар бошига 42 центнерни ташкил этади. Ҳосил йиғим-теримини механизациялаш даражаси 95 процентгача етказилади.

Дон, сабзавот, картошка, мева ва узум етиштириш ҳамда сотиш юзасидан ўн биринчи беш йиллик планларини ҳам 4 йилда бажариш мўлжалланмоқда. Дон учун маккажўхорининг ўртача йиллик ҳосилдорлиги гектаридан 90 центнерга етказилади, унинг ялпи ҳосили эса шу вақт ичида 1,4 баравар оширилади.

Каноп пояси етиштириш беш йил ичида 1,7 баравар кўпаяди ва йилига 17,2 минг тоннага етади.

Чорвачиликни янада ривожлантириш учун коллективнинг куч-ғайрати сўгориладиган ҳар гектар ердан 220 центнер беда пичани, 700 центнер маккажўхори қўкпояси ва лавлаги олишга қаратилади.

Чорва ва парранда маҳсулдорлиги оширилади, 1985 йилда ҳар бир бош сигирдан согиб олинадиган сут 4300 килограммни ташкил этади. Давлатга гўштга топшириладиган ҳар бир бош қорамолнинг ўртача тирик вазни 450 килограммга етказилади. Бунда гўшт етиштириш ўртача йиллик ҳажми ўнинчи беш йилликдагига нисбатан 73 процент, сут етиштириш ўртача йиллик ҳажми эса 25 процент ортади.

Беш йилликда 70 тонна пилла етиштириш, планни 127 процент қилиб бажариш, ҳар қути қурт уругидан 80 килограммга етказиб юқори сифатли пилла олиш кўзда тутилмоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларига илғор механизациялаштирилган технологияларни кенг жорий этиш асосида ҳар йили меҳнат унумдорлигини 8 процентдан оширишга эришиш мўлжалланмоқда.

Колхозчилар ўртасидаги социалистик мусобақа колхознинг ҳар бир ишлаб чиқарини бўлинмаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш планларини тўла ва ошириб бажаришни таъминлашлари учун «Қолоқларсиз ишлайлик» шиори остида олиб борилади.

Шу беш йилликда социал-маданий ривожланишга колхоз маблағларидан икки миллион 200 минг сўм сарфлаш кўзда тутилган. 660 ўринли маданият саройи, 140 ўринли болалар боғчаси, 30 та уй-жой биноси барпо этилади, 4 минг метр водопровод ётқизилади, колхоз посёлкаларини газлаштириш, йўлларга асфальт ётқизиш давом эттирилади.

Шу кунларда колхоз меҳнаткашлари кўкламни шай бўлиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар — машина-механизмлар ремонтдан чиқарилди, уруғлик, ўғит, ёнилги тайёр, суғориш ва коллектор-дренаж шоҳобчалари тартибга келтирилмоқда. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлиги нишонланадиган йил — 1982 йилни янги меҳнат зафарлари билан якунлаш учун ҳамма ишлар қилинмоқда.

Ушбу социалистик мажбуриятлар колхозчиларнинг умумий йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

С. Абдуллаев фотоси.

ЎҒИТ — ДАЛАГА

● ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Терешкова номли колхоз аъзолари СССР 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб, мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратмоқдалар. Хўжаликда ҳозиргининг ўзида далаларга 3100 тонна маҳаллий ўғит чиқарилди. Суратда: далага ўғит чиқаришда намуна кўрсатаётган механизатор Аҳмаджон Ғуломов.

ЦЕНТРИФУГАДА... ЗИЛЗИЛА

ДАҲШАТЛИ ер ости офати центрифуга ичига олинди. Ўзбекистон Фанлар академияси иншоотлар механикаси ва зилзила бардошлиги институтининг олимлари шунга эришиш учун махсус бир қурилма ишлаб чиқдилар. Бу қурилма ер ости магистралларининг моделларини сейсмик синовлардан ўтказишга аталган бўлиб, зилзила тўла манзарасига тақлид этишга имкон беради. Эндиликда тоннель, коллектор, қувур арқ, гидростанция лойиҳачилари ортиқча ҳаражат қилмай иншоот пишиқлигини ҳисоблаш учун зарур маълумотларни ола биладилар.

Илгари моделлар портлаш, мураккаб вибрация механизмлари ёрдами билан синалган бўлса, эндиги марказдан қочма метод анча арзонга тушади. Центрифуга белгиланган босимни вужудга келтиради, махсус қурилма эса синовчининг командасига биноан моделли капсулани қаттиқ силкитади. Бундай «зилзила» кучини паст-баланд қилиш мумкин.

Марказдан қочма метод билан ер ости трассаларн моделларини дастлабки синаш натижалари Тошкент метросига берилди. Шу беш йилликда қуриш мўлжалланган бошқа объектларнинг нусхалари ҳам центрифугада синовдан ўтказилади.

(ЎзТАГ).

ҚАЛБИМИЗДА АБАДИЙ

✦ БУТУН прогрессив инсоннят Маркс ва Энгельс революцион таълимотининг геннал давомчиси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин номини чуқур эҳтиром билан тилга олади. СССР-да социалистик жамият қурилиши, жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши ва ривожланиши, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг кенгайиб бориши доҳий таълимотининг амалдаги галабасидир. Ленин ишига содиқ қолган партия ва халқимиз янги жамият қурилишида янада улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Суратда: Москва, Қизил майдон. В. И. Ленин ҳузурига.

В. Соболев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ИШ УСЛУБИ ВА МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Область партия группалари, цех партия ташкилотлари, партия комитети бўлмаган бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари юксак активлик, ўзаро талабчанлик, камчиликларга нисбатан муросасизлик, КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежнев асарларида олга сурилган вазифаларни қатъиятлик ва изчиллик билан амалга ошириш руҳида ўтди.

Бу муҳим кампаниянинг ўзига хос хусусияти шундан иборат бўлдики, у КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездидан сўнг, область коммунистлари, меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори партиямиз олий анжуманлари белгилаб берган улуғвор вазифаларни, ўн биринчи беш йиллик топшириқлари ва мажбуриятларини зўр кўтаринки руҳ билан амалга оширишга киришган бир пайтда бўлиб ўтди.

Партия ташкилотлари ташаббуси билан «Бир беш йилликда — икки беш йиллик», «Қолоқларсиз, самарали ва сифатли ишлайлик» шиорлари остидаги ҳаракатлар яна ҳам кенг қулоч ёйди. Кўпгина ишлаб чиқариш новаторлари москваликлар ва ленинградликлар ташаббусига қўшилиб, Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги байрамигача йиллик планни бажаришга муваффақ бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган ёрқин ва сермазмун нутқи коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг жанговар программаси бўлиб қолди. Бу ҳужжатлар «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида бошланган умумхалқ ҳаракатини янада кенгайтиришнинг муҳим омили бўлди. Меҳнат коллективлари шонли санани муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўра бориб, ўз зиммаларига янги оширилган мажбуриятлар қабул қилмоқдалар, кам ҳаражат билан кўпроқ иш бажаришга, хом ашё, материаллар, ёнилғи ва энергетика ресурсларини тежаб тергаб сарфлашга интилмоқдалар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари 4811 та партия группаси, 4805 та цех ва 3804 та бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтди. Йиғилишларда коммунистлар иштироки яна ҳам тўлароқ таъминланди. Масалан, бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтган йиғилишларда партия ташкилоти ҳисобидаги коммунистларнинг 96,2 проценти иштирок этди. Ҳисобот докладларини муҳокама қилишда партия аъзолари ва аъзоликка кандидатлардан 73 мингга яқин киши қатнашди. Бошқача қилиб айтганда йиғилишда қатнашган ҳар уч коммунистнинг бири музокарада сўзга чиқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди. Бу коммунистлар активлигининг янада ошганлигини кўрсатиб турибди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, музокарада қатнашганларнинг кўпчилигини ишчилар ва колхозчилар ташкил этди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларига олдиндан пухта ҳозирлик кўрилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. «Ташкентская правда» газетаси Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати 2-цехи, Пискент пахта тозалаш заводи, Тошкент районидаги Собир Раҳимов номли колхоз чорвачилик фермаси партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик соҳасидаги тажрибасини муфассал ҳикоя қилди. Бу ерларда ҳисобот-сайлов кампаниясига тайёргарлик анча илгари бошланди. Доклад учун бой маълумот берувчи материаллар тайёрланди. Бу тадбирни бажаришга кўплаб коммунистлар жалб этилди. Махсус комиссия муҳим масалаларни анализ қилиб, умумлаштириди. Йиғилиш олдидан комиссия аъзолари маълум иш участкаси учун жавобгар бўлган коммунистлар билан суҳбатлашдилар, олдинги ҳисобот-сайлов йиғилишида ва бошқа мажлисларда коммунистлар билдирган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар қандай амалга оширилганлигини синчковлик билан текширдилар. Докладнинг ҳар томонлама таъсирли, мазмунли, анализларга бой бўлиши, йиғилиш қатнашчиларида қизиқиш уйғотиши учун барча чоралар кўрилди.

Илгари бўлганидек, бугал ҳам партия йиғилишларини тайёрлашга район, шаҳар ва область партия комитетларининг секретарлари, бюро аъзолари, масъул ходимлари иштирок этдилар. Партия комитетлари ҳисобот-сайлов кампаниясининг боришини пухта назорат остига олиб тўғри иш қилдилар. Бу масала бюро мажлисларида мунтазам муҳокама қилиб борилди, камчилик ва нуқсонлар ўз вақтида кўрсатилиб, уларни тезда бартараф этиш чоралари кўрилди.

Ҳисобот-сайлов давомида партия етакчиларининг сифат состави сезиларли даражада яхшиланди. Эътиборингизни ушбу рақамларга жалб этмоқчимиз. Эндиликда бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг 67,9 проценти, цех партия ташкилотлари секретарларининг 43 проценти, партия группалари ташкилотларининг 37,5 проценти олий ва тугалланмаган олий маълумотга эгадир.

Партия активларининг учдан бир қисми ишчилар ва оддий колхозчилардир. Бошланғич партия ташкилотлари активлари орасида аёллар 36,2 процентни ташкил этади.

Ўтган йили бошланғич ва цех партия ташкилотлари, партия группалари ғоявий ва ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамланди. Уларнинг жанговарлиги ошди. Партия ташкилотлари ҳар бир ишлаб чиқариш участкасини ўз таъсирларига олгандирлар, улар социалистик мусобақани ташкил этиш, омавийлигини ошириш, якунларни қиёслаш, илғор иш усулларини пропаганда қилиш масалалари билан чуқурроқ шуғулланмоқдалар.

Бу тадбирлар ўн биринчи беш йиллликнинг биринчи йилида катта ютуқларни қўлга киритиш имконини берди. Областимиз саноатчилари маҳсулотни реализация қилиш ва маҳсулотларнинг кўпгина муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича йиллик планни муддатидан олдин 24 декабрда бажаришга муваффақ бўлдилар. Топшириққа қўшимча 107 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Бинокорлар ғайрат билан меҳнат қилиб, бир қатор ноёб объектларни ишга туширишга, саноат корхоналарини кенгайтириш ва реконструкция қилишга, кўплаб турар-жой ҳамда социал-маиший хизматга мўлжалланган биноларни фойдаланишга топширишга муваффақ бўлдилар.

Ўтган йилги қийин об-ҳаво шароитида деҳқонларимиз, айниқса пахтакорлар катта синовдан муваффақиятли ўтдилар. Топширилган иш участкаси учун ҳар бир меҳнаткаш масъулиятсак ташкилотчилик ва интизом туфайли катта галаба қўлга киритилди. Одатдагидек, коммунистлар барчани зардбор меҳнатга сафарбар этдилар, янги ташаббуслар билан чиқдилар.

Область республикада биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш плани ва оширилган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Ватанга 489 минг тоннадан кўпроқ Тошкент «оқ олтин»и етказиб берилди. Шунча миқдордаги қимматли хом ашё областда биринчи марта етиштирилди. Ҳосилнинг 86 проценти машиналар билан теріб олинди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев область меҳнаткашларини эришилган бу ажойиб галаба билан қизғин табриклади.

Ҳисобот ва сайловларни анализ қилиш жараёнида кўпгина партия ташкилотлари ва партия группалари ўз иш усуллари ва методларини янада такомиллаштирганликлари, кишиларга, ишлаб чиқаришга янада яқинлашганликлари сезилди. Партбюро мажлисларида ва

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

йиғилишларда КПСС Марказий Комитетининг идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш юзасидан қабул қилган қарори асосида идеология ишларини кучайтириш билан боғлиқ энг актуал масалалар муҳокама этилиб, Коммунистлар, шу жумладан раҳбарларнинг топширилган иш ҳамда устав талабларини қандай бажараётганликлари ҳақидаги ҳисоботлари тез-тез эшитиб турилибди. Ижрони назорат қилиш ва текшириш яхшиланди. Мусобақага партиявий раҳбарликка катта эътибор берладиган бўлиб қолди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида таъкидлаганидек, коммунистик қурилишнинг катта ва кўп қиррали вазифаларини бажаришда бошланғич партия ташкилотлари айниқса катта роль ўйнашлари керак. Улар маъмурият фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқидан тўла ва самарали фойдаланишлари, ҳамма соҳада — кадрлар масаласида гап кетганда ҳам, хўжалик планини бажариш ёки кишиларнинг меҳнат ва маиший шароитини яхшилаш соҳасида ҳам принципиал позицияда туришлари лозим.

«Съезд минбаридан туриб уларга билдирадиган истагим шуки,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев,— кўпроқ ташаббускор бўлингиз, кўпроқ принципиаллик кўрсатингиз!»

Бу талаб ва истак бошланғич партия ташкилотларининг бўлиннас таркибий қисми бўлмиш цех партия ташкилотлари ва партия группаларига ҳам тўла тааллуқлидир.

Партия группалари, цех ва бошланғич партия ташкилотларининг ижодий ташаббуси ва авангардлик ролини кўрсатувчи ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия комбинати электр билан пўлат эритиш цехининг 1-узлуксиз ишловчи бригадаси партия группаси йиғилишида таъкидланганидек, бу коллективда ой сайин ўз касбининг моҳир усталари маълум бўлади, улар номи Ҳурмат тахтасига ёзилади. Магнитагорск шаҳри металлургларидан иш услуби асосида коллективнинг ҳар бир аъзоси меҳнати кун сайин баҳолаб борилади. Бу тадбир участкада меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, умумий ишга ҳар бир киши қўшаётган ҳиссани кўпайтиришга ёрдам бермоқда. Партгруппа КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини пропаганда қилиш юзасидан катта ишларни амалга ошираяпти, ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш, кадрларни, айниқса, ёшларни жой-жойига қўйиш устида алоҳида ғамхўрлик кўрсатяпти.

Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози Ленин номли участкасининг цех партия ташкилоти жанговарлиги ҳам тобора ошиб боряпти. Участка цех партия ташкилоти ташаббуси билан деҳқонларнинг касб маҳорати тобора ошиб бораётганлигини коммунистлар ҳисобот-сайлов йиғилишида алоҳида таъкидладилар. Бу соҳада коммунистларнинг ўз ишлари юзасидан ҳисоботларини тинглаб бориш яхши ёрдам беряпти. Ҳар бир коммунист зиммадаги мажбуриятнинг бажарилишини сиёсий жиҳатдан таъминлаш, кишилар билан ишлашда ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни кучайтириш юзасидан маълум топшириққа эга. Уларнинг кўпчилиги пропагандист, агитатор, сиёсий ахборотчи, халқ назоратчиси сифатида катта тажриба тўплашган.

Тошкент тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг гул босиш цехи, Бекобод районидаги Навоий номли колхознинг 4-участкаси, Бекобод норуда материаллар заводи, Янгийўл мебель фабрикаси, Пискент пахта тозалаш заводи каби кўплаб корхоналар партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳам ишчанлик ва юксак активлик руҳида ўтди.

Йиғилишда коммунистлар ютуқларни муносиб баҳолаган ҳолда партиявий иш услуби ва методларини такомиллаштириш, мусобақага партия раҳбарлигини кучайтириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор таклифлар, танқидий фикр ва мулоҳазалар билдирдилар. Тошкент тажриба-механика ремонт экскаватор заводи 1-механика-йиғув цехи партия ташкилоти йиғилишида коммунистик меҳнат ҳаракатига ишчиларни кўпроқ жалб этиш, қолоқларни илғорлар даражасига кўтариш зарурлиги уқтирилди. Кишилар билан шахсан иш олиб боришни яхшилаш, партия топшириқларини бажаришда коммунистлар масъулиятини ошириш зарур. Бунинг учун партия йиғилишлари ва партбюро мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиб боришни тажрибадан ўтказиш лозим.

«Пискент» совхози 1-бўлими коммунистлари ҳам ҳисобот сайлов йиғилишида бир қатор қимматли фикрларни ўртага ташладилар. Йиғилишларда қарорлар қабул қилинади-ю, аммо уларни бажариш назорат остига олинмайди. Бундан ташқари ишчиларнинг дам олишини уюштириш устида ҳам алоҳида қайғуриш зарур. Мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш, илғорлар тажрибасини пропаганда қилиш соҳасида ҳам ғамхўрлик сезилмаяпти. Партбюро партия топшириқлари қандай бажарилаётганлигини пухта назорат қилмайди. Коммунистлар партия сафларини муносиб кишилар ҳисобига ўстириб бориш зарурлигини ҳам уқтирдилар. Ўтган йили фақат бир киши партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Бу нормал ҳол эмас.

Область партия комитетининг номли колхоз чорвачилик комплекси цех партия ташкилоти фаолияти ҳам йиғилишда ишчанлик билан анализ қилинди. Мусобақага якун ясаганда энг аввало чорва маҳсулдорлигини оширишда қўлга киритилган ютуқлар ҳисобга олиниши керак, деб таъкидлашди коммунистлар. Бу ерда нисбатан кўпроқ сут соғиб олган соғувчи қолиб деб топилади-ю, лекин ўтган йилнинг шу давридагидан чорва маҳсулдорлигини пасайтириб юборганлиги ҳисобга олинмайди. Партия ташкилоти чорвачилик фермалари учун ёш кадрлар тайёрлаш устида ҳам етарлича ғамхўрлик кўрсатмаяпти.

«Меҳнат коллективларидаги вазият, кайфият, демакки ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам коммунистларнинг қандай ишлашига боғлиқ,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленумида.— Ҳар бир коммунист — бизда салкам 18 миллион коммунист бор — ўз участкасида бутун куч, тажриба ва билимини резервларни қидириб топишга, меҳнат самарадорлигини оширишга сарфлайдиган бўлиши керак, меҳнатдаги фидокорликнинг муносиб намунасини кўрсатиши лозим».

Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари бу талабларга амал қилиб, ҳар бир партия ташкилотида ўзаро талабчанлик, камчиликларга муросасизликни қарор топтиришлари, ҳар бир коммунистнинг актив сиёсий жангчи бўлишига эришишлари лозим. КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг КПСС XXVI съезднинг коммунистлар авангардлик ролини ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётда улар активлигини ўстириш юзасидан қарорларини бажариш соҳасидаги ишлари тўғрисида» яқинда қабул қилган қарорида айнан шу талаблар ўртага қўйилган. Бу ҳужжат ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларнинг муҳим масалаларини ўртага қўяди, умумпартиявий аҳамиятга эга бўлган хулосалар чиқаради.

Барча партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов давомида коммунистлар томонидан билдирилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларни умумлаштириб қаттиқ назорат остига олишлари зарур. Уларни ўз вақтида бажариш кўп қиррали партиявий иш услуби ва методларини янада такомиллаштиришга, ҳамма қимматли таклифларни жорий этишга кўмаклашади.

Шуни ёддан чиқармаслик керакки, кўпгина бошланғич ва цех партия ташкилотлари, партия группаларини янги сайланган ўртоқлар бошқармоқдалар. Улар билан мунтазам равишда семинарлар ўтказиб туриш, иш тажрибаларини тезроқ эгаллашга кўмаклашиш, эътиборларини энг муҳим ҳаётий вазифаларга қаратиш лозим.

Партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот ва сайловлар область коммунистлари, барча меҳнаткашлари, КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини қатъиятлик ва изчиллик билан амалга ошира бориб, ўн биринчи беш йиллликнинг иккинчи йилини янги зафарлар билан нишонлашга, СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга азму қарор қилганликларини ёрқин ифодалади.

О. ЗУФАРОВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитета ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири.

ҚУРИЛИШ АЛОҚАЧИЛАРИ

ТОШКЕНТ Бош қурилиш бошқармасининг барча ташкилотлари коллективлари пойтахтимизда турар-жой ва маданий-маиший бинолар қурилишида жуда катта ишларни амалга оширишмоқда. Улар бунёд этаётган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ўн биринчи беш йилликда янада ортади. Йилига 1 миллион квадрат метр турар-жой бинолари қуришга эришилади. Бу йил эса бу рақам 922,5 минг квадрат метрни ташкил этади. Умумий ҳажми 11 минг ўқувчи ўринли мактаблар, 3500 ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, кўплаб касалхона, поликлиника ва бошқа маданий-маиший хизмат бинолари фойдаланишга топширилади.

Мана шу улкан вазифаларни амалга оширишда қурилиш объектлари ўртасида мустаҳкам алоқани таъминловчиларнинг ҳиссаси ҳам салмоқлидир. «Главташкентстрой»нинг диспетчерлик алоқа воситалари бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари сидқидилдан меҳнат қилиб, план ва мажбуриятларнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшишяпти.

Бош бошқармага қарашли барча қурилиш ташкилотлари, уй-жой қурилиши комбинатлари, таъминот, транспорт ва қурилиш механизмлари бошқармалари радио ҳамда телефон алоқалари билан таъминланган. Шаҳарнинг турли районларида жойлашган, ўзаро телефон алоқаси ўрнатиш имконини бераднган жами 3200 номерли 5 та автомат телефон станцияси, диспетчерлик хоналарида ва автомашиналарда бевосита қурилиш майдонлари билан алоқа ўрнатиш имконини берадиган кўплаб қурувчилар хизматида.

Бошқарманинг новатор ишчилари, инженер-техник ходимлари шу алоқани янада такомиллаштириш устида тинмай иш олиб боришяпти. Яқинда улар томонидан яратилган ва амалда қўллана бошланган селектор алоқаси пультлари ҳар бир ходимнинг ўз иш ўрнида турганидаёқ оператив мажлислар ўтказиш имкониятини бермоқда. Ана шундай иккинчи пульт орқали эса бошқарма бош диспетчери ҳар куни трестлар диспетчерларининг объектлардаги аҳвол тўғрисида ахборотини йиғади, уларга қурилишнинг бир меъёрда боришини таъминловчи кўрсатмалар беради.

Айни кунларда пойтахтимизда жадал бунёд этилаётган, шаҳар ҳуснига ҳусн бағишловчи осмонўпар бинолар — «Москва» меҳмонхонаси, Тошкент телеминораси, Ленин кўчасидаги 16 қаватли экспериментал турар-жой биноси ва бошқа шу каби объектларда ҳам қурилиш алоқачиларининг ўзига хос хизмати бор. Бу объектларда бошқарма инженерлари ихтиро этган, шартли равишда «кранчи ва юк илувчи» деб номланган, мана шу икки киши ўртасида бемалол гаплашиш имкониятини берувчи мосламалар жуда қўл келмоқда. Бу тадбирларнинг барчаси бунёдкорлар меҳнатини енгиллаштириш, иш вақтини тежаш, қурилиш объектида транспорт ва механизмларнинг бекор туриб қолмасликларига эришиш, объектларни қурилиш материаллари билан ўз вақтида график бўйича таъминлашга қаратилгандир.

— Алоқа бошқармамиз 1968 йилда ташкил этилган, — дейди бошқарма бошлиғи В. Қорахонов, — шу ўтган давр ичида алоқа воситаларининг бенуқсон ишлашини таъминлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Бошқарма коллективининг бу йилги режалари янада катта. Янги ташкил этилган биринчи қурилиш трести, 4-уйсозлик комбинатлари радио ва телефон алоқаси билан таъминланади, эскириб қолган бир неча рация янгилари билан алмаштирилади. Бу борада пешқадам ишчилар Б. Муҳиддинов, А. Зинкин, М. Файнерман, В. Раҳмонқулова, Д. Пинхасов, А. Фунерова, Г. Гилмуддинов, Г. Тўхтаниёзовларнинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ,
«Главташкентстрой»нинг бўлим бошлиғи.

ЯНГИЧА УРФ-ОДАТЛАР ҲАЁТГА

КАСБИМНИ ШАРАФЛАЙМАН

Тошкент Давлат маданият институтининг мажлислар зали одатдагидан гавжум. Бинога кираверишда ранг-баранг алвонлар, плакатлар, шиорлар, деворий газеталар осилган. Шўх музика садолари янграмоқда. Бугун катта тантана: институт талабалари «Касбимни шарафлайман» анъанавий кечасига йиғилишган.

— Қувонч ва ташвишлари билан ўтган ўқувчилик йиллари ортда қолиб, ҳар биринг из мустақил ҳаёт йўлини танлаб олдингиз,— деди институт катта ўқитувчиси Н. Обидова, кечани очар экан,— сизларнинг келажакка умид балқиб турган гулгун чеҳранг изни кўрар эканмиз, биз, мураббийларнинг қувончимиз янада ортади. Сиз ҳозир студент, эртага эса маданият соҳасининг жангчиларисиз! Самарали меҳнат қилиб, моддий бойликлар яратаётган ажойиб кишиларимиз хизматида бўласиз, уларнинг ҳаётларини янада мазмунли, серзавқ қилиш учун курашасиз.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. Бугунги ишчи ва хизматчи фақат турмуш эҳтиёжи учунгина меҳнат қилмайди. У маданий муассасалар хизматидан баҳраманд бўлиши, қизиқарли лекция ва суҳбатлар тинглаб қўшиқ ва рақслар томоша қилиши, зиёфаларидаги мазмунли китоблардан баҳра олиши лозим.

Кейинги йилларда Тошкент Давлат маданият институти маданий-оқартув кадрлар тайёрлайдиган асосий олий ўқув юртига айланиб қолди. Билим масканининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Ёшларнинг ўз касбларига чексиз муҳаббат руҳида тарбиялаш учун тезтез тематик кечалар ўтказиб турилади. Уларда шу соҳа ветеранлари ўз тажрибалари, ҳаётлари ҳақида мароқ билан ҳикоя қиладилар.

Бугунги кечага ҳам Чирчиқ шаҳар «Химик» маданият уйининг директори А. Нестеренко, Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Охунбоев номли маданият уйининг директори З. Усмонова, замонавий рақс санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Н. Димитриенко, таниқли композитор Х. Изомовлар таклиф қилинган. Улар студентлар энг машқатли ва олижаноб касблардан бирини танлаганликлари ва ана шу эзгу ишга йўлида астойдил меҳнат қилсалар-гина, халқ эътиборига тушишлари мумкинлиги ҳақида сўзладилар.

Сўнгра институт бадиий ҳаваскорлари ва Тельман номли маданият ва истироҳат боғининг «Красная гвоздика» вокал-чолғу асбоблари ансамбли, Тошкент Давлат университетининг «Бахтиёр ёшлик» ансамбли иштирокчиларининг куй ва қўшиқлари янгради. Учинчи курс студенти, республикада хизмат кўрсатган артист Дилафруз Жабборова ижро этган дилрабо рақс барчага манзур бўлди.

Саҳнада сиртқи бўлим студентлари ўзларининг театрлаштирилган программаларини намойиш этдилар. Айниқса, рус халқ эртаклари қаҳрамонларининг афсонавий образларини маҳорат билан ижро этган IV курс талабалари меҳмонларнинг юқори баҳосини олишга сазовор бўлдилар.

Залда музика садолари анчагача янграб турди. Куйлар қўшиққа уланди. Уларда бахтли замонамиз, серзавқ ёшлик тароналари мужассам эди...

А. НОСИРОВА.

САМАРАЛИ ТАКЛИФЛАР

«Подъёмник» заводи коллективи ўз меҳнат кўрсаткичларини тобора яхшилаб бормоқда. Давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятлар шараф билан уддаланмоқда. Меҳнат унумдорлиги ортиб, маҳсулот сифати яхшиланмоқда, таннархи эса муттасил арзонлашмоқда.

Машинасозлар эришаётган бу ютуқларда рационализаторлар ва ихтирочиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Улар ўзларининг изланишлари билан ишлаб чиқаришни такомиллаштирмоқда. Маҳсулот бирлигига ишчи кучи, материал ва хом ашё сарфлаш миқдорини сезиларли даражада камайтиришга эришмоқдалар. Биргина ўтган йили новаторлар меҳнат унумдорлигини ошириш, материалларни тежаб қолиш, сермеҳнат жараёнларни камайтиришга қаратилган кўплаб таклифлар билан чиқдилар. Ҳаммаси бўлиб 70 дан ортиқ рационализаторлик ва ихтирочилик таклифи амалга оширилди. Уларни жорий қилиш ҳисобига юз минг сўмлик атрофида давлат маблағи тежаб қолинди.

Корхонада рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини кенгайтиришга катта эътибор берилаётганлиги учун ҳам унинг самараси яхши бўлмоқда. Ҳар йили энг яхши рационализаторлик таклифи учун конкурслар ўтказилади. Вақти-вақти билан шу соҳа бўйича цехлар, участкаларда кўриклар, рационализаторлик бўйича энг яхши цех, энг яхши ишчи номини олиш учун меҳнат беллашуви ташкил этилади. Ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Ўнлаб новаторлар биринчидан таклифларнинг авторлари ҳисобланишади. Ишчи-хизматчилардан Рябцов, Урозай, Свириденко, Штрейтенберг ва бошқалар ўзларининг қимматли таклифлари билан шуҳрат қозонишган. Улар ўз изланишлари билан ҳар йили кўплаб давлат маблағининг тежаб қолинишига ёрдам бермоқдалар.

М. МАҲМУДОВ.

▲ **ТОШКЕНТДАГИ чарм буюмлар ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмасида боксчилар қўл қопи, футбол тўпларидан, дзюдочилар костюмлари, турист рюкзаклари, сумкалар, чемоданлар ишлаб чиқарилмоқда. Моделчи конструктор Нина Третьякова, катта технолог Галина Саблина ва моделчи конструктор Нина Комаровалар ана шу буюмларнинг пишиқ ва кўркам бўлишига муносиб ҳисса қўшишмоқда.** Р. Нуриддинов фотоси. (ЎзТАГ).

«ОГОНЁК» БОҒЛАРИ

ИЛГОР ХЎЖАЛИКЛАР ИБРАТИ

Кейинги пайтларда Ғалаба районидаги «Огонёк» совхозининг боғлари тез-тез тилга олинадиган, унда етиштирилаётган анвойи мевалар тўғрисида илиқ гаплар айтиладиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас, албатта. Чиндан ҳам бу хўжаликнинг боғ-роғлари кенгайди, унинг ширин-шакар мевалари шаҳарликларга манзур бўляпти. Бир неча минг гектар майдонни эгаллаган мевазорлар мўл ҳосили билан ҳаммани қувонтирмоқда.

Бизни хўжалик раҳбари Муҳаммад Отажонович Отажонов бу ерда бунёд этилаётган одатдан ташқари олмазорга бошлади. Паст бўйли дарахтлар бир-бирига жуда яқин экилган. Одатда ҳеч қандай мевали дарахт шу каби зич экилмайди. Бундан ташқари дарахтларнинг бўйи бир метрдан ошаётгани даражада бўлиб, уни «лилипут» ўсимлик, деб ҳам аташади.

— Ҳозир бундай олмаларни фақат бир гектар майдонга экканмиз, — дейди Муҳаммад Отажонов. — Лекин 20 гектар майдоннинг ҳосилини беряпти. Ҳисоб-китобларга кўра бу майдон 2 минг центнерга яқин сара ва йирик мева беради. Бу фақат бир йил мобайнидаги кузатув эмас, балки бир неча йиллардан бери ўрганилаётган тажриба натижасидир.

Бундай одатдан ташқари олмазор «Огонёк»да биринчи марта яратилди. Бу боғ академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимларининг тавсияси билан барпо этилди. Шуниси қувончлики, янги боғ учун кўчатлар совхоз-заводнинг ўз питомнигида етиштирилди.

Совхоз-завод ўтган йили мева ва узумдан ғоятда мўл ҳосил етиштирди. Шунинг учун ҳам бу ерда жуда кўп фойдали ва қизиқарли ишларнинг гувоҳи бўласиз. Аввало, ўз ишининг моҳир усталари, ажойиб боғбонлар қишлоқ хўжалик фанида вужудга келган ва чуқур синовдан ўтган янги навларни ўз хўжаликларида дарҳол қўлайтиришяпти. Шу тариқа улар янгидан-янги навларнинг ижодкорлари ҳам бўлишяпти. Шунинг учун хўжаликнинг ҳар гектар майдонида барпо этилган боғларни боғдорчилик ва узумчилик соҳасида кейинги йилларда эришилган ютуқларнинг жонли кўргазмаси деб аташ мумкин.

Мана, қатор ўрнатилган бетон устунларга тортилган симбағазларга олма дарахтининг шохлари ёнбошлаган.

— Бу интенсив типдаги саноатлашган олмазорларимиздан бири, — дейди хўжалик раҳбари. — Уларнинг қаддига эътибор беринг, улар бир текис ялпоқи бўлиб ўсган. Бу дарахтларни парвариш қилиш жуда осон, мевасини теришнинг ўнғайлигини айтмайсизми. Дарахтлар паст бўйли бўлгани учун ерга тўкилган жоноқи олмалар заха бўлмайди.

Олмазорлар ёнида олхўризорлар. Ўтган йили бу боғнинг ҳар гектаридан 750 центнердан мева терib олинди.

Совхоз заводда узумзорлардан ҳам мўл-кўл ҳосил олинмоқда. Ҳар гектар ердан 400 центнердан узум узиб олинди. Нок, шафтоли ва бошқа мевали дарахтлардан ҳам шу тариқа катта ҳосил теріб олинаётир.

Бундай катта ютуқлар қўлга киритилишининг ишончли омиллари бор. Аввало, совхоз боғбонлари ўз ишларига доимо ижодий муносабатда бўлишяпти. Ҳатто совхоз территориясидаги баландликлар, йўл ва кўчаларда ҳам узум етиштирилянти. Бунинг учун қадди баланд сўрилар омилкорлик билан ўрнатилди. Бу эса узумзорларни кенгайтириш имконини берди. Мустафо Қўшалиев бригадасидаги боғларда айниқса ҳосил мўл бўлди.

— Бу усулда биз ҳар бир туп токдан 50—60 килограммдан узум узиб олдик, — дейди миришкор боғбон Мустафо Қўшалиев. — Бу йил баланд сўрилик боғлар янада кўпайтирилади.

Ўн биринчи беш йилликнинг тўғнағич йилида совхоз-завод кўчатзорида ток кўчатлари янги технология — туман ҳосил қилувчи установка ёрдамида ўстирилди. Ёада хўжаликда ток туплaридан кўк қаламчалар кесиб олиниб, плёнка ёпилган ерга ўтқазилди. Туман ҳосил қилувчи установка бу ердаги намликни оширди. Натижада, қаламчаларнинг ўсиши тезлашди ва икки-уч ҳафтадан кейин стандарт кўчат ҳосил бўлди. Шундай қилиб, кўчат олиш олти баравар кўпайди. Совхозда янги технология билан ярим миллион туп ток кўчати тайёрланди. Хўжалик харид этган установка биринчи йилдаёқ ўзини батамом қоплашидан ташқари 10 минг сўмлаб соф фойда ҳам келтирди.

Хўжаликда кўпгина янгиликларни жорий этиш натижасида мана шундай ютуқлар қўлга киритиляпти. Ҳар бир квадрат метр жойдан унумли фойдаланиш яхши натижа беряпти.

Совхоз-завод территориясидаги боғларни бир-биридан ажратиб турувчи йўл ва йўлкалар четида баланд сўрилар ясалган. Улар ўзига хос хиёбонлар тусини олиб, ажиб манзара кашф этади.

Ўтган йили хўжалик боғбонлари шу зайлда боғ-роғлардан мўл ҳосил кўтаришди. 17,5 минг тонна мева ва узум етиштирилди. Бу эса планда кўзда тутилганидан 4 минг тонна зиёддир. Бу юксак марра асосан мевали дарахтлар ҳосилдорлигини ошириш эвазига қўлга киритилди. Совхознинг Рифат Аловиддинов ва Алижон Пўлатов бошлиқ бригадалари боғбонлари хўжаликда тағин ҳам юқори ҳосил етиштиришдилар. Улар топшириқни икки баравар ортиғи билан бажардилар.

Хўжаликда интенсив типдаги боғ-роғлар, узумзорлар барпо этиш юзасидан кенг кўламда иш олиб борилмоқда. Айни кунларда ҳам совхоз далаларида қизғин иш олиб борилаётир.

Совхознинг ўз кўчатзорларида етиштирилган янги мева навларининг ниҳоллари бўлажак боғларнинг майдонларига кўпроқ экиляпти. Ҳозир юз минг тупдан ортиқ кўчат ўтқазилди. Улар эскирган боғлар ўрнида ва янги майдонларда ўстирилади.

Миришкор ва уста боғбонларнинг меҳнатлари зое кетмаяпти. Улар ўтган йили хўжалик бўйича 4,5 миллион сўмлик соф даромад кўрдилар. Бу планда белгиланганидан 1,5 миллион сўм кўп демакдир.

«Огонёк» совхоз-заводининг тажрибали боғбонлари эришаётган ютуқлар бошқа хўжаликлар учун ибратлидир. Унинг боғ-роғлари, узумзорлари тағин ҳам кенгаяверсин, ширин-шакар мевалар кўпаяверсин. Ундан баҳраманд бўлган кишилар тиниб-тинчимас, омилкор, азамат боғбонларга чин қалбдан раҳмат деяверсин!

Я. ТУХТАЕВ.

50 ЦЕНТНЕР БЎЛАДИ

ЎН биринчи беш йилликнинг дастлабки йилига яқин ясалиб, зарбдор 1982 йилга қадам қўйилган бугунги кунларда ҳар бир деҳқон ишини сарҳисоб қилади, янги йилда янги режалар тузиб, юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилади.

1981 йилда колхозимиз деҳқонлари 1480 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 38,8 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Давлатга жами 5736 тонна юқори сифатли «оқ олтин» армуғон этилди. Бу планда белгиланганидан анча кўпдир. Бригадамизда эса 105 гектар ернинг ҳар гектаридан 48,8 центнердан пахта етиштирилди. Қабул пунктларига 510 тонна қимматбаҳо хомашё етказиб берилди.

Пахтакор учун осон келган йилни эслаш қийин-у, оғир келган йиллар кўп бўлган. Буни салкам йигирма йилдан буён пахтачилик бригадасига бошчилик қилаётганлигим туфайли жуда яхши биламан.

1981 йил шароити ҳам биз учун анча ноқулай келди. Баҳорнинг совуқ келиши, ёз ойларида бўлган кучли ёғингарчиликлар натижасида пахта майдонларимизнинг деярли 40 процентини бузиб қайтадан чигит экишга тўғри келди. Аммо тадбиркор деҳқон ишини ҳеч қандай об-ҳаво баҳона бўла олмайди. Бизнинг бригадамизда ҳам ана шундай ўз касбига меҳр қўйган миришкорлар меҳнат қилишади. Уларнинг фидокорликлари туфайли бир мунча ноқулай шароитда ҳам ғўзанинг ўсиш ва ривожланишдан орқада қолишига барҳам беришгина қолмай, мўл ҳосил етиштирдик.

Бригадамиз механизаторлари Убайдулла Қўчқоров, Холмат Рўзибоев, Маҳаматали Эргашевларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш керак. Улар ерни шудгорлаш, уруғ қадашдан тортиб, ҳосил етилгунча бўлган ишларда ғайрат кўрсатдилар. Йигим-теримда ҳам жонбозлик билан ишлаб ялпи ҳосилнинг 95 процентдан ортиғини «заангори кема»лари бункеридан тўкдилар.

Ерларимизнинг ярми пастбаланд — қирликлардан иборат. Шунинг учун ҳам бизнинг шароитда ғўзани билиб суғориш мўл ҳосил етиштиришда катта аҳамият касб этади. Буни қалбдан ҳис қилган заргарларимиз Абдуваҳоб Ширинов, Жобир Шаҳбозов, Сармаҳамад Ортиқовлар кунни тунга улаб ғўзаларни ўз вақтида сувга қондирдилар. Коллективимизнинг Турди Тешабоева, Гулнора Боймуродова, Турди Эшова, Ойкарам Мирзааҳмедова сингари аъзолари ҳар туп ниҳолни қалб қўрлари билан парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, биз ўтган хўжалик йилида ҳосилдорликни эллик центнерга етказиш мажбуриятини олган эдик. Лекин бу натижага эриша олмадик. Бунга чигитни қайта жанлигимиз, баъзи ерларда эса ғўзанинг ривожига қараб парваришни бироз кечиктириб юборганлигимиз сабаб бўлди.

Маълумки, ғўза нозик ўсимлик. Уни ҳеч вақт алдаб бўлмайди. Баъзан, биз ғўзани етти марта культивация қилдик, олти марта суғордик, уч марта озиқлантирдик, деб мақтанамиз, ҳисобот берамиз. Лекин бу ишлар айни вақтида, ўсимлик талаб қилган пайтда бажарилмаса, мўлжалдаги ҳосилни кутмай қўяқолинг. Шунинг учун ҳам қилинган ишларга ғўзанинг бўйига қараб эмас, ундаги ҳосил шоҳларига қараб баҳо берган маъқул!

Бригадамиз аъзолари билан ўтган йил натижаларини таҳлил қилдик, ютуқларимиз нима-ю, камчиликлар нима, чуқур ўрганиб чиқдик. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорлари ва шу Пленумдаги КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқидан келиб чиқадиган қонда ва хулосалар асосида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган йилдаги режаларимизни белгилаб олдик.

Бу йил 105 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз.

Мўл ҳосил учун курашни ўтган йилнинг кузиданоқ бошлаб юборганмиз. Ҳозирги пайтда ерларни текислаш, ўғитлаш, суғориш шохобчаларини мавсумга ҳозирлаш ишлари якунланяпти. Механизаторларимиз экиш агрегатларини тахт қилиб қўйишган. Булардан ташқари далага кўплаб миқдорда гўнг ташиб чиқарилмоқда. Деҳқонларимиз зарбдор йил ҳосилига пухта замин ҳозирлашяпти.

А. БЕКМУРОДОВ,
Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхознинг 1-бригадаси бошлиғи.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ТИНЧЛИККА ТАҲЛИКА СОЛИНМОҚДА

▲ **ТОКИО.** Японияда чиқадиган нуфузли «Майнити» газетаси Вашингтоннинг химиявий урушга ёвуз тайёргарлик кўраётганлигини қоралади. Қанотли ракеталарни заҳарловчи моддалар жойланган портловчи қалпоқлар билан таъминлаш режаси ошкор бўлиб қолганлиги АҚШнинг химиявий қуролни зудлик билан ишлаб чиқариш соҳасидаги хатарли шум ниятлари борлигини тасдиқловчи янги далил бўлди. Бу хавфли иш натижасида оммавий қирғин қуролининг янги турлари пайдо бўлиши мумкин, деб ёзади ташвишланиб газета.

Америка маъмуриятининг қанотли ракеталари заҳарловчи моддалар билан тўлдириш режалари АҚШ шу ракеталарни жойлаштирмоқчи бўлган мамлакатларнинг хавфсизлигига даҳшатли таҳлика солади. Вашингтоннинг ўз характерига кўра инсон зотига қарши бўлган режаларига бутун дунё халқлари кескин зарба берадилар, деб уқтиради «Майнити» газетаси.

▲ **ЛОНДОН.** Вашингтоннинг асабни фалаж қилувчи алоҳида кучли газ тўлдирилган бинар снарядлари ва бомбалари катта-катта запасларини Буюк Британия территориясида жойлаштириш юзасидан Вашингтон тузган режаларга инглизлар кескин норозилик билдирмоқдалар.

Америка ҳарбийларининг Британия ороллари янада кўпроқ миқдордаги ажал қуроллари билан тўлдириб юбориш режаларини дарҳол ва жуда қатъий равишда рад қилиш зарур, деб уқтиради шу муносабат билан «Мирнинг стар» газетаси. Бу режалар АҚШ милитаристик сиёсатининг яна бир тасдиғидир. Ғарбий Европада ўртача олисликка учадиган ракета-ядро қуролининг янги турларини жойлаштириш тўғрисидаги, шунингдек нейтрон бомбани тўла миқёсда ишлаб чиқариш ҳақида илгари қабул қилинган қарорлар бу сиёсатнинг нишонаси бўлган эди. «Ғарбий Европада, шу жумладан Буюк Британияда ҳам урушга қарши ҳаракат кучайиб бораётганлиги қитъа халқларининг тоғ-тоғ уйиб ташланган Американинг оммавий қирғин қуроли устида яшаш истагида эмасликларидан далолат бериб турибди», —деб таъкидлайди газета.

▲ **ИСЛОМОБОД.** Ҳозирги вақтда Қўшма Штатлар химиявий урушга ҳозирлик кўришнинг энг ашаддий тарафдори бўлиб турибди, деб ёзади Покистонда чиқадиган «Вьюпойнт» журнали. АҚШ армияси ихтиёрида 300 минг тонна заҳарловчи модда бор. АҚШдаги ва Ғарбий Европадаги аслаҳаҳоналарда ва химия омборларида уч миллионтадан кўпроқ артиллерия снаряди, неча ўн минглаб авиация бомбалари ва махсус пурковчи қурилмалар ғамлаб қўйилган. НАТОнинг қуруқликдаги қўшинлари ҳам Американинг химиявий қуроли билан таъминланган. «АҚШда ясалган» деган тамға қўйилган химиявий гранаталар ҳатто Афғонистон территориясига суқулиб кирган газандалар ёнидан ҳам топиб олинди, деб уқтиради ҳафтанома.

Пентагон стратеглари, деб ёзади «Вьюпойнт» журнали, «Қўшма Штатлар ҳам ядровий, ҳам химиявий қурол билан таъминланган аралаш қуролли кучларга эга бўлиши зарур» деган доктринани кўпданоқ ўзларига қурол қилиб олганлар. Бунинг устига айниқса аҳоли зич яшайдиган мамлакатларга қарши олиб бориладиган «маҳаллий» урушлар учун химиявий қурол афзал деб топилган.

АҚШ химиявий урушга ҳозирлик кўришни тўхтатмаётганлигини кўрсатувчи фактлар бор.

Мана шуларнинг ҳаммасига қарамай, АҚШ Совет Иттифоқини... химиявий урушга тайёргарлик кўришда айблаш мақсадида жазавали кампания олиб бормоқда, деб уқтиради журнал. Улар мана шундай сафсатабозлик баёнотлари билан кимни чалғитмоқчи бўладилар? — деб савол беради «Вьюпойнт» ҳафтаномаси.

(ТАСС, 19 январь).

БОШ МИНИСТРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

СОЛСБЕРИ. Саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалик фермаларини бошқариш меҳнаткашларга топширилади, деди Зимбабве бош министри Р. Мугабе бу ердаги оммавий митингда сўзлаган нутқида.

Ҳукуматнинг планларига мувофиқ, деди бош министр, яқин вақт ичида давлат республикада фойдали қазилмалар қазиб чиқарилишини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирилишини ўз назорати остига олишни мўлжалламоқда.

Шахталар ва фермалар, савдо ва саноат халқ назорати остига ўтгандан кейингина биз реал ҳокимиятга эга бўлиб қоламиз, деди Р. Мугабе. Шу боисдан мамлакат ҳукумати мустамлакачилик оқибатларини жуда қисқа муддатларда тугатиш ва одам одамни эксплуатация қилишидан ҳоли бўлган янги жамият қурилиши негизларини вужудга келтириш йўлини бундан буён ҳам ўтказаверишниятидадир.

(ТАСС).

АҚШ ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

БАЙРУТ. Араб мамлакатлари иттифоқининг Бош секретари Ш. Клиби Ливанда чиқадиган ҳафталик «Манди морнинг» газетаси муҳбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: АҚШ Исроилга нисбатан чоралар қўллаш тўғрисидаги резолюцияни бардод этмоқ учун БМТ Хавфсизлик Кенгашида вето ҳуқуқидан фойдаланган тақдирда араб мамлакатлари иттифоқи кенгаши АҚШга қарши қаратилган бир қанча тадбирларни амалга оширади. Қўшма Штатларнинг ветони қўлланиши, деб таъкидлади Ш. Клиби, Вашингтон ўз ҳатти-ҳаракатларида халқаро ҳуқуқ нормаларига эмас, балки Исроилнинг манфаатларига амал қилаётганлигини яна бир карра исботлайди, ҳолос. Бу ҳолда араб мамлакатлари Вашингтонга нисбатан қуруқ гаплар билангина чекланиб қолмайдилар, деб огоҳлантирди у. Араб мамлакатлари иттифоқининг Бош секретари Американинг ҳукмрон доиралари АҚШдаги сионист корчалонларнинг тазйиқи остида ўтказиб келаётган сиёсатнинг оқибатлари хатарли бўлишини уқтириб ўтди.

(ТАСС).

▲ **1980 йилнинг ноябрь ойида бўлган ер қимирлаш натижасида Италиянинг сак киз жанубий области катта зарар кўрган эди. Ўн минглаб кишилар уй-жойсиз қолишди. Улар ҳозир ҳам омонат бостирмаларда, автофургонларда яшамоқдалар. Қишнинг совуқ келиши италияликлар аҳволини янада танглаштириб юборди. Суратда: Потенца вилоятида одамлар ана шундай яшамоқдалар.**

ТАСС фотохроникаси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БУДАПЕШТ. «Бабольна» қишлоқ хўжалик комбинати базасида маккажўхори етиштирувчи ишлаб чиқариш системасига кирган хўжаликларнинг меҳнаткашлари ўтган йили мўл ҳосил — ҳар гектар ердан 60 центнер маккажўхори йиғиштириб олдилар. Ҳозирги вақтда маккажўхори ишлаб чиқариш системаси мамлакатда маккажўхори етиштиришни кўпайтиришда тобора катта роль ўйнамоқда. Бу бирлашма Венгриядаги 70 та йирик кооператив ва давлат хўжалигини бирлаштирган. Бирлашма хўжаликлари ягона меҳнат технологиясидан фойдаланмоқдалар ва бош корхона сифатида Бабольна комбинати система аъзоларига серунум машина-ускуналар ва уруғлик етказиб бермоқда. Республиканинг бошқа йирик хўжаликлари ҳам бу тажрибадан муваффақиятли фойдаланмоқдалар.

▲ ЛИССАБОН. Португалияда Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ядро ракеталарининг Ғарбий Европада жойлаштирилишига қарши кураш тобора авж олмоқда. «Португалияда ядро қуролланишига йўл қўймаймиз!» ҳаракатининг активлари Португалияда ядро қуролининг ҳар қандай турларини жойлаштиришга қарши норозилик талабномаси остига 210 мингдан ортиқ имзо тўпладилар. Бу талабнома республика президенти генерал Рамалью Эанешга топширилади.

▲ САН-ФРАНЦИСКО. Америкалик машҳур сенатор А. Кранстон Рейган маъмуриятининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги масалага ёндошишда гоят сурбетлик қилаётганлигини уқтирди. У Сан-Францискода журналистлар билан суҳбатда Рейганнинг бу соҳадаги сиёсати «икки юзламачилиги» билан ажралиб туради, деди. Ҳозирги маъмурият Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларга асоссиз равишда ҳуруж қилиб, айни вақтда раҳбарлари АҚШнинг ҳозирги сиёсати изидан бораётган мамлакатларда инсон ҳуқуқлари қўпол равишда бузилаётганлиги тўғрисида лом-лим демаётир. Бундай сиёсатни, деди Кранстон, ўтакетган икки юзламачиликдан бошқа нарса эмас, дейиш мумкин холос.

▲ **МАПУТУ.** ФРЕЛИМОнинг Мапуту порти партия ташкилотининг биринчи конференцияси бўлди. Конференцияда партия комитети сайланди. Унга партия ичида ва ишлаб чиқаришда ўзини кўрсатган ФРЕЛИМО активистлари кирди.

Мапуту порти Мозамбикнинг энг йирик давлат корхонаси бўлиб, у ерда 17 минг киши меҳнат қилади. Порт мамлакат, шунингдек, Африкадаги денгиз йўли бўлмаган бошқа қўшни давлатлар экономикасини ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга.

ФРЕЛИМО Мапуту шаҳар комитетининг биринчи секретари А. Таи конференцияда сўзга чиқиб, портчиларни план топшириқларини бажаришга сафарбар қилишда революцион Мозамбик душманларининг қўпорувчилик фаолияти ва саботаж қилишларига қарши курашда партия ташкилоти муҳим роль ўйнаётганлигини таъкидлади.

(ТАСС).

ДУГОНАЛАРИМГА УЧ САВОЛ:

ОИЛА, БАХТ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

1. БАХТ БАДАВЛАТ БЎЛИШДАМИ?

ЯҚИНДА йигирма йил илгари педагогика институтини тугатган студенткам билан учрашиб қолдим. Уни таний олмадим. Жуда ўзгариб кетган. Эндигина қирқ ёшга кирган бўлишига қарамай кўринишиқекса аёлни эслатади. У ўз қаётидан афсуслaниб сўзлади...

Васила ўқиб юрган кезлари бир йигитни ёқтирган экан. Институтни битиргач, оиладагилар у йигитга қизларини беришга рози бўлишмабди. Бошқа ердан келган совчилар ўзга «куёв бўлмиш йигитнинг данғиллама участкасию, «Москвич» машинаси бор. Отаси базада мудир бўлиб ишлайди. Қизингиз кам-кўстсиз бойвучча келин бўлиб яшайди», деб онани ҳол-жонига қўйишмабди. Бечора она «Майли ўйлаб кўрайлик» деса: «Ўйлаб нима қиласиз. Бахт қуши қизингизнинг бошига қўниб турибди-ку. Қани, бизга ҳеч бўлмаса бир дона дастрўмол беринг, шуни оқлик қилиб кетайлик», — деб туриб олишибди.

Тўй арафасида қиз онасига:

— Онажон, нега шошиласиз? Энди ўқишни битирдим. Бироз ишлай. Сизнинг камкўстингизга ёрдам берай, — дебди. (Ота вафот этиб, оилада беш фарзанд билан она ёлғиз қолишган эди).

Она эса:

— Йўқ, болам, бошида отаси бўлмагани учун қизини узатмай, ишлатиб, топганини еб ўтирибди, деб маломат қилишмасин яна. Бадавлат хонадон экан, кел, узатай, бурчимни ўтай.

Қиз келин бўлиб тушган хонадон айтганларидек жуда бадавлат экан. Саккиз жон, сигир-бузоқ, қўй, келди-кетди. Куни билан тиним йўқ. Бир ой ўтгач, келин «ишга кирай, ахир олий маълумотлиман» деса қайнона:

— Вой, келинпошша, уйда шунча юмуш туриб ишга бало борми? Мен сизни оғиримни енгил қилади, деб келин қилганман. Нима камчилигингиз борки, ишлаб тўлдирасиз? —деб ишга рухсат бермабди.

...Хуллас, бу хонадонга келин бўлиб, фақат хизматга келган экан, ҳўрсиниб деди Васила. Уйда қолиб кетдим. Бир йилдан сўнг ўғил кўрдим. Энди фарзанд билан овунарман, деб ўзимни юпатдим. Аммо қайнонамнинг ғалваси ошаверди. Қайнотамнинг базасидан камомат чиқиб, иши судга ошди. Бойвачча ўғил мастликда машина ҳайдаб, авариядa учраб, касалхонага тушди. Қайнонамнинг жаг қулфи ланг очилиб кетди. Ҳар икки гапнинг бирида «келиним шумқадам келди. Шу келдию, уйдан қут-барака кўтарилди. Бир етим қизни олмай менгина ўлай. Ўглим бундай дурустгина куёв чақириқ ҳам кўрмади. Карнай, сурнай билан бешик ҳам келмади» деб кун бермайдилар. Ўзим шумқадам, болам ҳам шумқадам эмишмиз.

Бадавлат хонадонда бечора келин бўлиб яшадим. Фарзандимни қўтариб онамникига кетишга орият йўл қўймади. Мана, шу аҳволда йигирма йил умрим ҳазондек сўлди. Буларнинг ҳаммасига ким айбдор? — деб ўз ўзимдан сўрайман ва ўзимни журъатсизликда, ландавурликда айблайман. Аввало, онам уларнинг нопок йўллар билан топаётган давлатига учмай, мени ўз тенгимга берганларида бахтимни меҳнатдан топардим-ку?! Агар ўзим журъатлироқ бўлиб ишга кириб, ўзимни ҳимоя қила олганимда, қайнонамнинг камситишларига йўл қўймаганимда шундай бўлмас эдику? — деб афсусланаман.

Бу масалада сиз нима дейсиз, азиз дугоналар?

2. МОЛ-ДУНЁ ИНСОН ҚАДРИДАН ОРТИҚМИ?

АЙРИМ дугоналаримиз бахтни фақат мол-дунёга эга бўлишда, деб тушунадилар. Лекин афсуски, бундай эмас.

Дўстим Гулнораниг ҳаётини қиноя қилиб берай, — деб сўз бошлади Ҳикоят. — Гулнора ўрта ҳол оиланинг қизи эди. Улар бадавлат хонадонга қуда бўлишди. Ота-она қизларини қарindош-уруғлардан, ёру-дўстлардан қарз олиб чет эл гарнитури ва гилам, қўша-қўша кўрпа-ёстиқлар, сервизлар билан кам-кўстсиз узатишди. Гулнораниг уйини кўрсанғиз худди қўргазмага қўйилган қошонага ўхшарди.

Дугонам ўзи тушган хонадонда бекаму-кўст яшади, бутун умри уйга қараш, мод —дунёни асраш билан ўтди. Етти йил бирга яшаб фарзанд кўришмади. Уйда жанжал бошланди. Натижада эрхотин ажралишди. Гулнораниг отаси тўйда олган қарзини узаман деб кўп азоб чекди.

Дугонамнинг бу аянчли ҳикоясини эшитган Ҳури ўз мулоҳазасини ўртага ташлади.

— Менимча, ҳар ким ўз бахтини ўзи яратиши керак. Менинг ота-онам оддийгина ишчи. Улар мени ўзимиз тенги хонадонга узатишди. Тинч, тотув яшаяпмиз. Уч фарзаннинг онасиман. Энг катта қизим бу йил мактабга борди. Фарзандларим — менинг нодир гавҳарларим.

Гулнора гулдек умрини мол-дунёга қурбон қилди. Ҳаётда нима кўрди? У ҳирс қўйган мол-дунё сароб бўлиб чиқди. Бас шундай экан, кимки ўз бахтини қимматбаҳо нарсалардан қидирса катта хато қилади. Ҳақиқий бахтни киши ўз ҳалол меҳнати ва яшаш учун курраш туфайлигина қўлга киритади. Шу фикрга қўшиласизми?

3. ГАРНИТУР ҚИЛИШ ШАРТМИ?

ҚИЗ узатиш ота-оналар учун орзу-ҳавас бўлса-да, ўзига яраша ташвиш эканини ҳамма билади. Орзу-ҳавас эса кундан-кунга авж оляпти. Шубҳасиз, янги рўзғор қураётган икки ёшнинг моддий жиҳати, ўзларини тутиб олишгунча уй асбоб-анжомлари ҳақида ғамхўрлик қилиш, олдиндан бут рўзғор қилиб бериш яхши анъана. Лекин бу— албатта қимматбаҳо гарнитур, қўша-қўша гилам, палос ёки идиш-товоқларни ғамлаб бериш шарт дегани эмас-ку. Ҳеч кимга сир эмас, «орзу-ҳавас» ниқоби остида кўп ота-оналар ўзларини қийнаб қўймоқдалар. Улар қизларига ўнлаб кўрпа ва кўрпача, қимматбаҳо гарнитур учун елиб-югурадилар. Куёв томон ҳам анчагина кўрпа-ёстиқ қилади. Гарнитурдаги кроватнинг эса ўз тўшаги бор. Унга битта кўрпа ва иккита ёстиқ кифоя-ку. Ҳозирги замонавий уйларнинг тахмони ҳам йўқ. Улар кўп жой эгаллайди, саранжом қилиш қийин. Шунинг учун кўрпа-ёстиқлар ҳам шу оиланинг эҳтиёжига яраша қилинса бўлмасмикан? Улар ишлатилса-ю, эскигач, янгилаб қўйилса, қандай бўларкин?

Ўзингиздан қолар гап йўқ, ҳозир гарнитур масаласи ҳам анча муаммо. Мебель сероб бўлгани билан кўпчилик энг яхшисини, бунинг устига чет эликнинг излайди. Табиий, бирдан ҳаммага етарли қилиб бўлмайди. Ота-оналар эса гарнитурсиз қиз узатишни ўкситиш, армон деб ҳисоблайдилар. Ҳеч бундай эмас! Бу ўзимиз «ихтиро қилган» яна бир «янгилик» холос. Бир қизни узатиш учун ҳам гарнитур, ҳам шунча кўрпа-ёстиқ, яна палак, гулкўрпа, эшик ва дераза пардалари қилинса, бунинг устига яна қанча ҳаражат, бошқа келди-кетдилар...

Фикримизча, ғовлаб кетаётган ўринсиз орзу-ҳавасларнинг бу қадар оммавий тус олишига чек қўйиш керак. Бу масалада, оғиздагина фикри маъқуллаш, «бунга чек қўйиш керак» деб ишнинг ўзи кифоя эмас. Қани энди, ҳамма умумий бир тартибга амал қилса. Кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб, баҳамжиҳат иш кўрсак. Қуюшқондан чиқиб, иш бузармандлик қилаётган айрим «қўли узун» шахсларни тартибга чақирсак...

Гап яна айланиб, маҳалла-қўйга, жамоатчиликка тақалади. Бу бежиз эмас. Кўпчиликнинг қўлидан ҳар нарса келади. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи бир муҳим томони шундаки, тўй-маъракаларни ўтказишда кўпинча аёллар, сиз азиз дугоналарнинг таъсири катта. Биз узатишда, айниқса оналарнинг истаги ҳисобга олинади, ҳамма олди-бердилар, қилинадиган рўзғор буюмлари, кийим-кечак ва бошқа нарсаларнинг «ижодкори, ташаббускори» ҳам оналар, опа-сингилларимиз. Эркаклар кўпинча уларнинг маслаҳати, раъйи билан иш тутишади.

Шунинг учун биз янги қурилаётган оилалар, қизларимизнинг бахтли бўлиб кетиши, замонамизга муносиб тушадиган янги маросимларни кенгроқ, дадилроқ жорий қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаётий масалаларнинг айримлари бўйича **уч савол**ни ўртага ташладик.

СИЗЛАР бунга нима дейсизлар, азиз дугоналар, муҳтарама онахонлар ва опа-сингиллар? Энди жавобини сизлардан кутамиз.

Н. ВАЛИЕВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти, педагогика фанлари номзоди.

▲ ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати рассомлари кун сайин янги-янги безаклар ижод қилиш устида изланишяпти. Улар ҳар йили яратаётган 150 дан ортиқ безаклардан ярми бадиий кенгашда маъкулланиб, ишлаб чиқаришга жорий этилади. Суратда: рассомлар Л. Чеховская, Л. Садирина, Л. Комарова бу йил чит газламаларга жорий этиладиган янги безакни муҳокама қилишмоқда.

В. Сироткин фотоси.

ҲАР ТЎҒРИДА

СПИДОМЕТРДА — 2 МИЛЛИОН КИЛОМЕТР

▲ АВТОМОБИЛЛАР орасида кўпга чидаш рекордлари қайд этилганида Железноводск автотранспорт корхонасига қарашли самосвал тўла ҳуқуқ билан рекордчи номига даъвогар бўла олар эди.

Улуғ Ватан уруши тугашин билан оқ Лихачёв номли Москва автозаводи конвейерида йиғилган самосвал ўшандан бери ҳар хил юклар ортиб йўлларда ва йўлсиз жойларда жами 2.000.000 километр йўл босди. Қўйилган машина бутун бир колонна уддалайдиган юкни ташиди.

Транспортчилар тобора кўпроқ янги қувватли машиналар олиб турган ҳозирги пайтда бу самосвал хизматини ўтаб бўлган техникаларнинг одатдаги қисмати — темир-терсакка топширилишдан ҳоли бўлди. Ветеран ҳайдовчиларнинг таклифига биноан уни Ватан автомобилсозлиги ҳурматига, машиналар умрини узайтира биладиганлар шарафига корхона дарвозасидан сал наридаги супага ўрнатилди.

Н. СТЯЖКИН,
ТАСС мухбири.

Железноводск,
Ставрополь ўлкаси.

АДАБИНИ ЕДИ

▲ ҚАЛМОҒИСТОНДАГИ «Ленинский» совхози ишчиси В. Бюрчиев олақарғаларнинг ҳавода катта қиргий билан олишуви шоҳида бўлди.

Бир гала қуш қурбонини чангаллаб олган йиртқични таъқиб этиб борарди. Парандаларга емиш камайган қишда қиргий анқайган олақарғани илиб кетган. Бу эса унинг галасидагилар дадил ҳужум қилишларига сабаб бўлган. Олақарғалар йиртқичнинг бошини чўқилайвериб, чангалидаги ўлжасини ташлаб юборишдаражасигача ҳолдан тойдирдилар. Чангалдан қутилган қарға бир фурсат тошдек пастга тушаверди, сўнгра оҳистагина қанотларини ростлади ва ҳалоскорлари ҳамроҳлигида учиб кетди.

П. ШАМРАЕВ,
ТАСС мухбири.

Троицкое,
Қалмоғистон АССР.

ПОЙТАХТ ТЕАТРЛАРИДА

МАҲОРАТ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди санъат ва адабиёт намояндалари олдига бениҳоя масъулиятли вазифалар қўйди. Коммунистларнинг бу улкан анжуманларининг ҳужжатларида санъатда янги изланишлар, ҳаётимизнинг ҳақиқий тасвири, ҳозиржавоблик ва юксак мақсад сари изчил интилиш намоён бўлиши зарурлиги таъкидланади.

Замондошларимизнинг ҳар бир куни мазмунли ва самарага бой. Бу эса бунёдкорлик меҳнатининг натижасидир. Табиийки, халқимизнинг санъатга бўлган талаби кун сайин ошиб бормоқда. Ҳозирги томошабин, ҳусусан, театр саҳнасида замондошларимизнинг тўла қонли ва ёрқин сиймоси гавдаланишини, улар дилидаги гаплар айтилажагини истайди.

«Замондошларимизнинг ёрқин образларини яратишда ижодий ҳодимлар шубҳасиз ютуқларга эришдилар. Бу образлар одамларни ҳаяжонлантирмоқда, баҳсларга сабаб бўлмоқда, ҳозир ва келажак ҳақида ўйлаб қўришга ундамоқда», — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида.

Театримиз санъаткорлари ана шундай образлар яратишга интилмоқда. Ижодий коллективимизнинг муҳим ютуқларидан бири — театр саҳнасида даврининг қаҳрамони бўлган коммунистлар образларини яратишдир. Таниқли драматург А. Гельман асари асосида режиссёр У. Бақоев саҳналаштирган «Мукофот» спектаклидаги Потапов, Ў. Умарбековнинг «Отилмаган ўқ» асаридаги Жўра чекист образлари Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати М. Ражабов, артистлардан М. Иброҳимова, Д. Бобохонова, Х. Арслонов, М. Абдуллаева, М. Исмоилов, А. Тошкенбоев, Н. Тошкенбоева, Т. Содиқов, М. Матчоновлар ўз ижодларини янада такомиллаштирмоқдалар.

Коллективимизнинг Татаристон ва Бошқирдистон АССР бўйлаб ижодий сафари мазмунли ўтди. Гастролимиз Қозондаги Г. Камол номидаги академик драма театрида «Отилмаган ўқ» спектакли билан очилди. Актёрларимиз томонидан маҳорат билан ижро этилган «Отасининг қизи», «Зада бўлган пайғамбар», «Гуноҳкор авлиё» спектакллари татар ва бошқирд томошабинлари томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди.

Ёш санъаткорлар спектаклдан спектаклга маҳорат пиллапояларидан дадил кўтарилмоқдалар. Сафимизга санъатга чин дилдан ихлос қўйган иқтидорли ёшлар келиб қўшилмоқда. Театримиз ўз номи билан ҳам ёшлар даргоҳи. Пиллар ўтиши билан у ёшларнинг чинакам санъат масканига айланиб бормоқда.

Саҳнада қўйилаётган ҳар бир спектакль актёрларимиз ижодиётининг янги қирраларини очмоқда, улар номини томошабинларга яқиндан таништирмоқда. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Т. Режаметов, Ш. Азизова, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати М. Ражабов, артистлардан М. Иброҳимова, Д. Бобохонова, Х. Арслонов, М. Абдуллаева, Санъаткорларимиз Татаристоннинг Набережний Челни, Нижний Камск шаҳарлари, Бугульминский ва Альметьевский районларида, Бошқирдистон пойтахти Уфада, Туймази шаҳрида ўз гастролларини давом эттирдилар. Сафар давомида КамАЗ ва Нефтекамск ишчилари, студентлар, колхоз ва совхоз меҳнаткашлари, чорвадорлар, қурувчилар билан ижодий учрашувлар ўтказдилар.

«Социалистик Татаристон», «Вечерний Казань», «Комсомолец Казани», «Қизил тонг», «Совет Бошқирдистони» ва «Вечерний Уфа» каби маҳаллий матбуот органлари ўзбек санъаткорларининг маҳоратига ўз муносабатларини билдириб турди. Театримиз ижодий сафарини муваффақиятли ўтказганлиги учун Бошқирдистон АССР маданият министрлигининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ўз навбатида Татаристон Давлат драма ва комедия театри ҳам дийримизга ташриф буюрди. Санъаткорлар ўзларининг 30 кунлик гастроллари давомида энг яхши саҳна асарлари билан томошабинларимизда яхши таассурот қолдирди. Янги мавсумда ҳам мухлисларимизга янги спектакллар ҳавола этиш мақсадида Ш. Бошбековнинг «Тақдир эшиги» асари устида ишламоқдамиз. СССРнинг 60 йиллигига атаб Б. Васильевнинг «Сокин тонглар» спектаклини тақдим этдик ҳамда А. Фадеев романи асосида «Ёш гвардия» спектакларини ҳам саҳналаштириш ниятидамиз.

Театримиз ижодий коллективи ҳар йилги анъанага мувофиқ азамат пахтакорлар ва шаҳарлик ҳашарчиларга маданий хизмат кўрсатиб келмоқда. Ўтган йил санъаткорларимиз ўз оталиғимиздаги Пискент районидаги Тельман номли колхоз ҳамда Жиззах областининг Дўстлик районларида бўлиб, «оқ олтин» ижодкорлари ва уларнинг кўмакдошлари билан ижодий учрашувлар ўтказиб, спектаклларини намойиш этдилар.

Биз бундан кейин ҳам театр санъати ижодкорларининг халқимиз олдидаги масъулиятли бурчини теран ҳис қилган ҳолда, кишиларнинг гоявий-эстетик эҳтиёжини қондиришда, ёшларни коммунистик идеалларга садоқат руҳида тарбиялашда ўзимизнинг бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаверамиз.

М. ХУЖАЕВ,
«Ёш гвардия» театрининг директори.

ЧЎҚҚИЛАРДА УЧАР ШУНҚОРДЕК

БУЛУТЛАРГА тўш урган мағрур чўққилар бошидаги асрий қорлар оппоқ. Узоқдан қараган кишининг кўзига бу ерларда гўё ҳаёт йўқдек туюлади. Мобода инсон чўққига кўтарилгудек бўлса, ҳар икки қадамининг бирида дам оладиган, чиндан ҳам у ерларда ҳаёт йўқмикин!

Тоғлардаги зилзила ва шамол туфайли кўчган тошлар орасида, салқин беланчадек тебраниб турган қоялар бағрида тоғтакалар ҳаёт кечиради. Уларни баъзан Сибирь такаси ёки сибирь эчкиси деб ҳам юритишади. Тоғтакалар асосан 2 минг метрдан 5 минг метргача баландликда яшайди. Улар областимизнинг тоғли районларида ҳам учраб туради.

Сибирь эчкилари кўзга илашмайдиган ғадир-будур тоғ ён бағирларида, қояларда шу қадар чаққонлик билан ҳаракат қила оладики, уларни кўрган кишининг ишонгиси келмайди. Бунга тоғ акаларининг туёқлари жуда мослашган: айри панжаларининг олди қисми ниҳоятда қаттиқ, учи ва ён атрофи худди пичоқ тиғи каби ўткир. Туёқларининг орқа қисми бироз қаварироқ. Шу туфайли улар тош устида деярли тайганиб кетишмайди. Қаттиқ тирноқлар ҳар қандай қийин жойларга тирмашиб чиқиш имконини берса, қабариқ товонлар таянч вазифасини бажаради.

Ёш улоқчалар ниҳоятда ўйинқароқ бўлишади. Улар ўзларини хавфдан ҳоли сезди дегунча ўзаро пойга қилиб югурадилар, баландликдан пастга сакрайдилар. Баъзан худди кўпток сингари бир-бировларининг устидан сакраб ўтишади. Улар ўзаро куч синашиб, сузишишни ҳуш кўришади. Ҳаво тинч бўлган пайтларда ёш такаларнинг олишувини 2 километр масофадан бемалол эшитиш мумкин. Сузишаверганликларидан уларнинг шоҳлари ҳамиша ёрилган, яраланган, тимдаланган бўлади. Қари такалар эса мағрур, бўлар-бўлмасга жаҳл чиқаришни ёқтиришмайди.

Тоғтакалар чўчитилмаса одамга анча яқин келишлари мумкин, овчилар бебошлик қилган жойда эса улар яширинишади. Хавф-хатар туғилди дегунча, дарҳол махсус товуш билан бир-бирларига хабар беришади. Бундай ҳолларда бутун тўда хавфсиз жойга қоча бошлайди.

Сибирь такалари бўрилар ва илвирсларнинг кушандаси бўлиб келган. Бундан ташқари овчилар ҳам гўшти хушхўр бу жониворни қириш пайидан бўлганлар. Шу сабабли улар сони йил сайин камайиб бормоқда. Ҳозир СССР Қизил китобига киритилган тоғ такаларини кўлайтириш чоралари кўрилмоқда.

Х. ҲАКИМОВ.

КОРХОНАДА ЯНГИ СТАЦИОНАР

«ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси медицина-санитария қисми ҳузуридаги янги стационар дастлабки беморни қабул қилди. Бу ерда комплекс даволашни ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Стационарда айни бир вақтда бир юз эллик киши ўз соғлиғини тузатиб олиши мумкин.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ НЕЙРОХИРУРГИЯ МАРКАЗИ

● МОСКВА нейрохирургия илмий-текшириш институти нейрохирургик муассасалар ичида энг асосийси ва каттасидир. Ҳар йили бу ерда 3 минг бемор даволанади. Энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган институт поликлиникасида эса бир йилда 1 миллиондан ортиқроқ киши врачлар назоратидан ўтадилар. СУРАТЛАРДА: болалар нейрохирургик касалликлари бўлими. Тожикистонлик қизалоқ Назира Холтўраева нейрохирургик медицина асбоблари ёрдамида муваффақиятли операция қилинди. (Ўнгдан чапга) бўлим шифокорлари Гурам Мжеванадзе, Сайфуддин Нуриддинов, Валерий Комаров ва Назиранинг онаси — Бибихон Азизова. (Пастда) такомиллашган электрон-ҳисоблаш машиналари ва рентгенологик аппаратлар ёрдамида тадқиқот ўтказилмоқда.

В. Христофоров фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

«ТЕНГЛАР ИТТИФОҚИДА»

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИНГ ТЕМАТИК КУРИГИНИ ЎТКАЗАДИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ШАҲАРЛАРИ ВА РАЙОНЛАРИНИНГ КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИДА, КЛУБЛАРИ, МАДАНИЯТ УЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИДА РСФСР КИНОСТУДИЯЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН УШБУ ФИЛЬМЛАР НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

«Ўтган кунлар фактлари», «Василий ва Василиса», «Отиш ҳуқуқи», «Қизил олмалар», «Комендантлик соати», «Тунги алвастилар» осмонда», «Улар актёр эдилар», «Ленин Парижда», «Яшил дарадаги қор», «Майда ҳарфлар билан икки қатор», «Ўртоқ Иннокентий», «Валентина», «Кўзинга қара», «Ришад — Зифанинг набираси», «Лўлининг бахти», «Отлар кечувда алмаштирилмайди», «Чақирилмай ўртоқ», «Бўронда туғилганлар», «О, спорт, сен—тинчлик!», «Жавоб юриши», «Сўнгги қочиш», «Денгизчиларда саволлар йўқ», «Оқимга қарши», «Оқ қарға», «Унинг келишини истайман», «Шахсий хавфсизликни кафолатламайман», «Гражданин Лёшка», «Алвастиларга қоқон қўйманг», «Муҳаббат ҳақида уч марта», «Террор» операциясининг тугатилиши», «Туманда эшитилган икки гудок», «Хонимлар йиғитларни таклиф этадилар», «Сицилианча ҳимоя», «Сенинг яшашинг керак», «Дам олувчилар ҳаётидан», «Муҳаббат мавзусида орзу», «Моржлар сузадилар», «Тунги ҳодисалар», «Омад учун ким жавобгар», «Қўлингни кўтар!», «Текшириш», «Генерал Шубниковнинг корпуси», «Олтин от минган чавандоз», «Нон, олтин, наган», «Менинг отам идеалист», «Кечки лабиринт», «Агар мен бошлиқ бўлсам», «Биз ўлимга тик қарадик», «Экипаж», «Улар ҳам биз каби эдилар», «Ўта муҳим топшириқ», «ХХ аср қароқчилари», «Россиянинг оқ қорлари», «Ўз соясидан тез».

СССР Ички ишлар министрлигининг

САРАТОВ, ХАРЬКОВ, ОРЖОНИКИДЗЕ, НОВОСИБИРСК, ЛЕНИНГРАД ШАҲАРЛАРИДАГИ ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТЛАРИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТЛАРИ СССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ СИСТЕМАСИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ УЧУН ОФИЦЕРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

Ўқиш муддати—4 йил.

Билим юртини тугатганларга умумитти.оқ намунасидаги диплом ва офицерлик лейтенант унвони берилади.

Билим юртларига тўлиқ ўрта маълумотли, иш (ўқиш) жойидан қониқарли характеристикага эга бўлганлар, соғлиғи ички ишлар министрлигининг билим юртларида ўқиш учун яроқли бўлган 21 ёшдан катта бўлмаган йигитлар кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганларидан сўнг қабул қилинадилар.

Аризада билим юрти номи, кирувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва ойи, маълумоти, миллати, уй адреси ёзиб кўрсатилиши лозим.

УРТА МАКТАБЛАРНИНГ 10-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ 9-СИНФ УЧУН ТАБЕЛЬ ВА 10-СИНФ УЧУН УЗЛАШТИРИШ ТАБЕЛИДАН КЎЧИРМА ТАҚДИМ ЭТАДИЛАР.

Ҳужжатларни расмийлаштириш, медицина комиссиясидан ўтиш ва номзодларни кириш имтиҳонларини топшириш учун йўллаш Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг кадрлар бўлими томонидан қуйидаги адресда ўтказилади: 700143, Тошкент шаҳри, 143-алоқа бўлими, Луначарский шоссеси, 243-уй, Тошкент область ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси.

Телевидение

21 ЯНВАРЬ

МТ-I. 9.00 — Время. 9.40 — Концерт. 10.10 — Телевизион ҳужжатли фильм. 10.30 — Концерт. 10.55 — «Горнчилар қаердасиз!» 11.40 — «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий юильм. 7-серия. 12.50 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.55 — Концерт. 16.25 — Шахмат мактаби. 16.55 — М. Горький. «В. И. Ленин». 17.55 — «Орленок» телестудиясининг концерт зали. 18.45 — Миллионлар ленинча университети. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлими мудирининг биринчи ўринбосари, СССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Г. Л. Смирнов иштирок этади. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Рига. «Аве Сол» хорининг чиқиши. 19.40— Ленин ҳақида ҳикоялар. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — В. Маяковский. Владимир Ильич Ленин. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.05—Л. В. Бетховен. 8-соната.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — «Ўзгаришлар даври». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 — Сиз яратган боғ. 10.05 ва 12.05 — Испан тили. 10.35 ва 11.35 — Н. А. Некрасов. «Темир йўл». 7-синф. 11.05 — Н. А. Некрасов лирикаси. 12.40 ва 13.45 — Зоология. 7-синф. 13.05 — Н. Осеев поэмаси. 14.10 — Илмий-оммабоп фильм. 14.25 — М. Ю. Лермонтов — рассом. 15.25 — «Поёнсиз кўча». Бадиий фильм. (субтитр билан). 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Ленин Швейцарияда етти йил». Ҳужжатли фильм. 19.15 — «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 1-зарбдор армия ветеранларининг учрашуви. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Футбол «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Берлин). 2-тайм. 21.30— Время. 22.05 — «Ижорск» батальони. Бадиий фильм.

ЎзТВ-I. 11.30 — Ленинга мактуб. Телефильм. 12.15 — Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари». 12.45 — «Қора консулнинг ҳалокати». 14.20 —Химия. 18.00 — Концерт. 18.50 — Ленинга икки қадам қолганда. Ҳужжатли фильм 19.00 — Биз яшаётган уй. 19.30 — Ахборот. 19.50 — Ҳужжатли кино экрани. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ильич севган асарлар. Музикали кўрсатув. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.25 — «Ишонч». Бадиий фильм.

ЎзТВ-II. 17.50 — Абитуриентлар учун. Математика. 18.50 — Телефильм. 19.00 — Назарий механика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўртоқ Ленининг сўзи. Ҳужжатли фильм. 20.30 — Театр учрашувлари. 21.30 — МТ-II.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/I да Қизил пиловдаги нўк тулпорлар, 22/I да Гурунг, 23/I да Шошма, нуёш.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/I да Олифта, 22/I да Хизматингизга тайёрмиз, 23/I да Хотинимнинг эри.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/I да Отасининг қизи, 22/I да Тиконсиз типратиконлар, 23/I да Отилмаган ўқ.

Спорт

А. ПАНФИЛОВ: ИККИНЧИ НАТИЖА

Қрилатскоедаги олимпиада трактида велоспорт бўйича мамлакат қишки чемпионати давом этаётир. Ватанимиз пойтахтига мамлакатининг энг кучли 160 спортчиси тўпланган. Улар велоспортнинг олимпиада турлари — гит, спринт, якка ва команда пойгаси ҳамда группа бўлиб пойгалашиш бўйича ўзаро куч синашадилар.

Мусобақаларнинг биринчи кунида иштирокчилар 1000 метрга жойдан қўзғалиб пойгалашдилар. Москва Олимпиадасининг кумуш совриндори, тошкентлик армиячи Александр Панфилов бу safar ҳам мамлакатимизнинг энг кучли спортчиларидан бири эканлигини кўрсатди. У 1 минут 06,044 секунд натижа билан иккинчи ўринни олди. К. Храбцев эса кўксига чемпионатнинг олтин медалини тақди. Бу спортчи тўртинчи марта ана шундай мусобақаларда сурункасига голиб бўлаётир.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, чемпионатда биринчи, тўртинчи ўринни эгаллаган спортчиларнинг барчаси СССР терма командаларининг аъзоларидир.

ҲОДИСА

ТЎЛҚИНЛАР... ЖИНОЯТНИ ЯШИРМАЙДИ

Қиргоқда қалқиб турган қайиқни кўрган Шоҳид ажабланди. «Байрам бўлса, ҳаммаёқда шоду-хуррамлик, ўйин-кулги. Наҳотки, келиб-келиб қўшнилар бугун — шундай шодиёна кунда кўчишаётган бўлишса?! Устигаустак тўғри йўл қолиб, кўчкўронни машинага эмас, қайиққа ортишса. Бунинг бирон-бир сири бўлса керак», — кўнглидан ўтказди йигит ва қадамини тезлатди.

Шоҳид Зокиров Бўзсувга туташ боғ ҳовли кимга қарашли эканлигини билар, унда истиқомат қилувчи уй эгаларини яхши танирди. Шунинг учун ҳам ҳавотирланиб қайиққа яқинлашди. Бу орада икки бегона киши алланималарни кўтарганча қиргоқка—қайиқ ёнига тушиб кела бошлади. Бирининг қўлида иккита кресло, иккинчисиникида эса стол ҳамда магнитафон.

— Вой муттаҳамлар-ей, куша-кундуз куни уялмайнетмай ўғрилик қилишса, — ижирғанди Шоҳид ва уларга яқинлашди.

Бу орада ўмарилган буюмларни қайиққа ортишга улгурган шахслар Шоҳидни кўриб сергакланишди:

— Ҳей йигит, қани буёққа кел-чи? — чақирди улардан бири ва ким эканликларини таништирди.

— Биз милициядан— жиноят қидирув бўлимиданмиз. Боғ ҳовли эгасини кузатиб юрибмиз. Сен биз билан бирга милицияга борасан. Гувоҳ тариқасида. Қани, қайиққа ўтир!

Шоҳид ёш бўлса ҳам муттаҳамлар ўйлагандек қоқонга осонгина тушадиган лақмалардан эмасди. Устигаустак «жиноят қидирув бўлими» ходимлари стволи қирқилган милтиқ ҳамда пичоқ билан қуролланган эдилар. Бу аҳвол бир томондан шубҳани кучайтирган бўлса, иккинчидан юрагига ваҳима солди. Қўшниси ва дўсти Ҳотам Каримовни ёрдамга чақирди.

— Ўчир овозингни, — дағдага қилди милтиқ қўндоғи билан тушириб ўғрилардан бири ва тепкини босди. Ўқ овози янгради. Шовқин-сурон, отишмани эшитган Ҳотам қўлида таёқ билан югурганча воқеа содир бўлган жойга етиб келди. Дўстини кўрган Шоҳиднинг кучига куч қўшилгандек босқинчиларга ташланди. Бир зумда улар қўлидаги қурол уриб туширилди.

Ишнинг бундай чаппасидан кетишини кутмаган газандалар шоша-пиша қайиққа ўтириб, эшкакни ишга солишди.

Лекин «Меҳнат резервлари» спорт жамияти базасининг директори Владимир Шанкин ҳамда мазкур жамиятнинг бош тренери Элдор Дебердеевнинг жиноят изларини на ёлғон-яшиқ гаплар-у, на сокин Бўзсув тўлқинлари ҳам яшириб кетолмади. Калинин район ички ишлар бўлими ходимларининг зудлик билан кўрган чора-тадбирлари туфайли ўғрилар шу куниёқ қўлга олиндилар.

Ичкиликка, айш-ишратга муккасидан кетган, инсонлик, тарбиячилик бурчини мутлақо унутган олий маълумотли кимсаларнинг бу қилмишларини республика спорт комитети раҳбарлари, «Меҳнат резервлари» спорт жамияти коллективи, қолаверса, кенг жамоатчилик қандай баҳолар экан? Газетхонни масаланинг ана шу томони қизиктиради.

Я. САЛИМОВ,
«Москва» колхози.

Редактор ўринбосари
С. МУСАЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 01737 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1526.